Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 70 (7210). ● 10 апрель, 1980 йил ◆ ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ДАЛА ВА ФЕРМАЛАРНИНГ МАҲСУЛОТИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ БЎЛСИН

Мамлакат далаларида беш йилликнинг тугалловчи йили ҳосили учун кураш қизиб бормоқда. Қишлоқ меҳнатчилари қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлида янги қадам қўйиш, дала ва фермалар маҳсулоти етиштиришни анча кўпайтириш учун бутун кучларини сарф қилмоқдалар. Колхоз ва совхозларнинг коллективлари бу йил кўпроқ дон, пахта, сабзавот, картошка, гўшт, сут етиштириш билангина кифояланиб қолмасдан, шу билан бирга уларнинг сифатини анча яхшилаш, экономиканинг самарадорлигини кўтаришга ҳам азму қарор бердилар.

«...Планлаштириш ва бошқаришнинг бутун механизми, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг бутун системаси, инженерлар ва конструкторларнинг куч-ғайратлари, ишчиларнинг маҳорати маҳсулот сифатини оширишга қаратилиши лозим,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида.— Партия ташкилотлари, касаба союзлари ва комсомол мана шунга доимо диққат-эътибор билан қараши керак».

Колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари ўртага қўйилган вазифани бажара бориб, маҳсулот сифатини янада яхшилашнинг яхлит программаларини кўпгина районларда ишлаб чиқиб, амалга ошира бошладилар. Минглаб бригадалар, фермалар, колхоз ва совхозлар, ҳўжаликлараро корхоналар ва бирлашмаларнинг коллективлари сутнинг сифатини, сабзавот ва меваларнинг стандартини, чорва молларининг вазни кондицияларини ошириш учун мусобақалашмоқдалар. Москва, Ленинград, Брянск, Чернигов, Брест, Тошкент областлари, бошқа баъзи областларнинг бир қанча хўжаликларидаги деҳқонлар ва чорвадорлар йил сайин юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Кубань, Днепропетровск областининг дала ва ферма мирзакорлари салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бунда партия ташкилотларининг ҳизмати катта, уларнинг иш тажрибасини КПСС Марказий Комитети маъқуллаган. Бу жойларда ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичлари изчиллик ва собитқадамлик билан яхшиланмоқда. Аввало, зардоб соҳа — дон хўжалигига эътибор берилмоқда. Краснодар ўлкасида кучли ва қимматли буғдой навларини тайёрлаш кўпайтирилмоқда. Тўққизинчи беш йилликда давлатга 3,4 миллион тонна ана шундай нав буғдой сотилган бўлса, кейинги тўрт йил ичида 8,9 миллион тонна сотилди. Харид қилинган жами буғдой ҳажмида юқори классли донниг улуши 28 процентдан 81 процентга етди. Мева, сабзавот, техника экинлари, озуқабоп ва бошқа экинлар, чорвачилик маҳсулоти сифати ошмоқда. Бултур гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг ўртача вазни 400 килограммга етди. Давлатга сотилган чўчқаларнинг 79 процентга яқини биринчи ва иккинчи категорияга, сутининг 88 процентга яқини биринчи сортга қабул қилинди.

Бу соҳада Днепропетровск областининг коммунистлари ҳам кўп куч сарфламоқдалар. Областда мажакжўхори, кунгабоқар, соя, сабзавот етиштиришнинг индустриал методларидан кенг фойдаланилмоқда. Сут чорвачилигида потокцех системаси муваффақиятли ўзлаштирилмоқда. Ем-хашак етиштириш масалаларини коммунистлар алоҳида назорат остига олганлар. 1979 йилда ҳўжаликлар биринчи класс сенажда 53 процент, пичандан 70, силосдан 79 процент тайёрладилар. Мана шуларнинг ҳаммаси фермаларнинг ишидаги сифат кўрсаткичларига баракали таъсир қилмоқда. Масалан, сутнинг салкам 90 процентини бу жойларда биринчи сорт билан харид қилинмоқда.

Кубань ва Днепр бўйи илғор хўжаликларининг, шунингдек бошқа районларнинг тажрибаси маҳсулот сифати учун курашдаги куч-ғайратларнинг иқтисодий самарадорлиги юксак бўлишидан далолат беради. Давлат сифатни оширишни сахийлик билан рағбатлантирмоқда, натижада кўпгина қишлоқ хўжалик корхоналари қўшимча равишда ўн ва юз минг сўмлаб даромад олмоқдалар, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ошмоқда. Партия ташкилотлари, хўжалик органлари сифат кўрсаткичларини яхшилашнинг комплекс, илмий асосланган программасини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдилар, энди мана шу программани собитқадамлик билан амалга оширмоқдалар. Башарти колхоз ёки совхозда деҳқончиликнинг аниқ системаси бўлмаса, алмашлаб экишга риоя қилинмаса, уруғчилик ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлса, зооветеринария ишининг сифати паст бўлса муваффақиятга умид қилиб бўлмаслигини ҳаёт кўрсатди.

Маҳсулотнинг юксак сифати — озиқ-овқат комплекси барча бўғинлари уюшқоқлик билан ишлашининг натижасидир. Юқори сифатли дон, пахта, энғир толаси, қанд лавлаги, сабзавот, мева, гўшт ва сут етиштириш билан бирга уни яхши сақлаш ҳам қишлоқ меҳнаткашларининг, тайёрловчиларнинг, қайта ишловчиларнинг энг муҳим бурчидир. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумида дала ва фермалар маҳсулотини асраш ҳамда қайта ишлаш базаларини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилди. План, ҳўжалик органлари капитал маблағларни моҳирона тақсимлашлари, ҳосилнинг юксак сифатли бўлишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга зарур ресурсларни сарф қилишлари лозим.

Ишнинг муваффақияти кадрларнинг малакасига, улар самарадорлик ва сифатни ўстириш проблемаларини нақадар чуқур ва атрофлича тушунишига кўп даражада боғлиқдир. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг, аграр-саноат комплекси бошқа корхоналарининг ҳар бир меҳнатчиси масаланинг мулоҳимлигини яхши тасаввур қилиши, ишни яхшилаш усулларининг янги-янги чиқаришга билиб олишга эришиш керак. Бу соҳада кадрларни ўқитиш, илғор меҳнат усуллари билан, прогрессив технология билан таништиришнинг аҳамияти жуда катта. Мамлакатда маҳсулот сифатини ошириш йўлларини ўрганиш яхши ташкил этилган, новаторлик иш методларини яққол намойиш этувчи кўчма пунктлар тузиб қўйилган бир қанча районлар бор. Уларнинг тажрибаси қўллаб-қувватлашга лойиқ. Янгиликни пропаганда қилишда матбуот, телевидение, радио кўп иш қилиши лозим.

Самарадорлик ва сифат учун кураш уруғликни тайёрлаб қўйишдан, ер ҳайдаш, экиш, ўсимликларни парвариш қилиш ишларини ўз вақтида ўтказишдан бошланади. Шу сабабли ҳозирги кўклам кунларида агротехникага, ишларни бажариш муддатларига, меҳнатни илмий ташкил қилишга қаттиқ риоя этиш масалалари колхоз ва совхозлардаги партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат-марказида туриши айниқса муҳимдир. Ҳар бир хўжаликда сифатли ҳосил олинишини таъминлайдиган тадбирларнинг аниқ системаси бўлиши зарур. Партия комитетлари деҳқонларнинг юксак пировард натижалар йўлидаги социалистик мусобақасига моҳирона бошчилик қилишлари, маънавий ва моддий воситалардан актив фойдаланишлари, илғор коллективларнинг ютуқларини қўллаб-қувватлаш, оммалаштиришларини лозим.

В. И. Ленин туғилган куннинг юбилей санаси тантанали нишонланаётган, КПСС XXVI съездига тайёргарлик ишлари янг ошиб бораётган йилда дала ва фермаларнинг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришишларига, маҳсулот сифатини янга яхшиларга шак-шубҳа йўқ.

(«ПРАВДА»нинг 9 апрелдаги бош мақоласи).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ДАМ ОЛИШ УЧУН ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев дам олиш учун 9 апрелда жўнаб кетди.

Аэродромда ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари, Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).



Шу кунларда Бўка районидаги «Бўка» совхози далаларида 50 та чигит экиш агрегати ишлаб турибди. Хўжалик механизаторлари 3200 гектар майдонга баракa уруғи қадашни 6—7 ш кунида тугаллашни режалаганлар. Суратларда: чигит экиш экипажини бошқараётган илғор механизатор Ўрозгул Букирова.

Г. Пун фотоси.

(ЎзТАГ).

АДИБЛАР БИЛАН СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 9 апрелда «Литературная газета» бош редакторининг ўринбосари В. А. Сироқомский бошчилигида қардош республикалардан келган адибларнинг Тошкентда очилган учрашуви қатнашчиларини қабул қилди.

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига амал қилиб, КПСС XXV съездининг режаларини қандай рўёбга чиқараётганликлари, экономика, фан ва маданиятни ривожлантираётганликлари, Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини ва бу юбилей муносабати билан 35 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётганликлари тўғрисида сўзлаб берди. У меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, совет кишиларининг ҳаётдаги актив позициясини шакллантириш ишида, халқ ҳўжалик вазифаларини ҳал этишда ижодкор ёзувчилар катта роль ўйнашини таъкидлади.

Ш. Р. Рашидов ўзбек совет адабиётининг ривожланиши ҳақида гапириб, бу адабиёт рус ҳамда бошқа қардош адабиётларнинг баракали таъсири остида ривожланганлиги ва ҳамон ривожланаётганлигини қайд этди. Республикада совет ҳокимияти йиллари мобайнида содир бўлган жуда катта ўзгартишлар тўғрисида ҳикоя қилувчи кўплаб китоблар чоп этилган. Меҳнат аҳли, замондошимиз ана шу асарларнинг бош қаҳрамонидир.

(ЎзТАГ).

«СОЮЗ-35» УЧИРИЛДИ

ТАСС ахбороти

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1980 йил 9 апрель куни Москва вақти билан соат 16 дан 38 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз-35» космик кемаси учирилди.

Космик кемани командир подполковник Леонид Иванович Попов билан бортинженер, Совет Иттифоқ Қаҳрамони СССРнинг космонавт учувчиси Валерий Викторович Рюминдан иборат экипаж бошқармоқда.

«Союз-35» кемасининг учиш программасида «Салют-6» — «Прогресс-8» орбитал комплекси билан туташтириш кўзда тутилади. Экипаж станцияни киши бошқарадиган режимда ишлаб туришини таъминлаш мақсадида орбитал комплекс ичида зарур профилактика ва ремонт-тиклаш ишларини бажариш, шунингдек илмий-техника экспериментларини давом эттириш, Ернинг табиий ресурсларини ўрганиш ва Ер атрофи космик фазосида медицинавий-биологик тадқиқотлар ўтказиш лозим.

Попов ва Рюмин ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

«Союз-35» кемасининг ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Космонавтлар учиш программасини бажаришга киришдилар.

Подполковник Леонид Иванович ПОПОВ

Космик кема командири Леонид Иванович Попов 1945 йил 31 августда Кировоград областининг Александрия шаҳрида туғилган.

У 1968 йилда Чернигов учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини битирган. Сўнгра ҳарбий ҳаво кучларида қирувчи-учувчи бўлиб хизмат қилган.

Л. И. Попов космонавтлар отрядига 1970 йилда ўтказилган. У киши бошқарадиган «Союз» кемаси ва «Салют» орбитал станциясининг программаси бўйича учишларга тайёргарлик тўла курсини битирган, бунда у билими, чуқур ва техникавий иқтидори баланд эканлигини кўрсатди. Космик аппаратларнинг учишини бошқаришда қатнашган.

Леонид Иванович 1971 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Л. И. Попов космонавтлар тайёрлаш марказида ишдан ажрамаган ҳолда 1976 йилда Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий ҳаво академиясини битирган.

Валерий Викторович РЮМИН

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Валерий Викторович Рюмин 1939 йил 16 августда Комсомольск-Амурда туғилган.

1961 йилда В. В. Рюмин Совет Армияси сафларидаги хизматини битиргач, Москва ўрмон техника институтининг электроника ва ҳисоб техникаси факультетига кирди. Валерий Викторович институтни битиргач, конструкторлик бюросида ишлаб, иқтидорли ва ташаббускор инженер эканлигини кўрсатди, космик техника янги намуналарини ишлаб чиқишда ва яратишда қатнашди. Киши бошқарадиган космик кемалар ва орбитал станцияларнинг учишини бошқаришда актив иштирок этди.

В. В. Рюмин — 1972 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Валерий Викторович космонавтлар отрядига 1973 йилда ўтказилган.

В. В. Рюмин икки марта космосга учган. Биринчи марта 1977 йилнинг октябрь ойида «Союз-25» кемасида, иккинчи марта эса космонавтика тарихида энг узоқ — 1979 йил «Салют-6» станцияси билан «Союз-32» ва «Союз-34» кемаларида ишлаш чоғида учган.

1000 ТОННА ПАХТА ЕТИШТИРАМИЗ

РЕСПУБЛИКА қишлоқ хўжалиги илғорларининг яқинда бўлиб ўтган қурултойида ўтган хўжалик йилига якун ясалди, пахтакорларимиз олдида турган навбатдаги муҳим вазифалар, якунловчи йил режалари белгилаб олинди. Қурултой қатнашчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини ва КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун, якунловчи йилни ленинчасига, зардобчасига меҳнат қилиш йилига айлантириш учун барча қишлоқ меҳнат аҳлини социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга даъват этдилар.

Ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида она-Ватанга ҳар қачонгидан ҳам кўп — 5 миллион 850 минг тонна «оқ олтин» дурдонаси етказиб беришга қатъий азмукарор қилинди. Тошкент область пахтакорлари бу улкан хирмонга 435 минг тонналик, районимиз пахтакорлари 70 минг тонналик, хўжалигимиз эса 6140 тонналик дурдоналари билан муносиб улуш қўшиш юзасидан юксак социалистик мажбуриятлар олишди.

Кўрининб турибдики, зиммага олинган мажбурият масъулиятли, айни пайтда ғоят шарафлидир. Уни муваффақиятли бажариш учун ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўғинларида уюшқоқлик ва тадбиркорлик билан иш кўриш, меҳнатни ташкил этишни янада такомиллаштириш, ҳамиша ва ҳамма ишда юксак мажбурият масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда зардобчасига меҳнат қилиш талаб этилади.

Шуларни эътиборга олиб яқинда бригада цех партия ташкилотининг кенгайтирилган очиқ йиғилишини ўтказдик. Йиғилишга колхоз раҳбарлари ва кўплаб илғор пахтакорлар таклиф этилиб, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида бригадамиз аъзолари олдида турган асосий вазифалар аниқланиб, конкрет режалар тузиб олинди. Резерв ва имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, бу йил она-Ватанга 1000 тонна «оқ олтин» армуғон этишга, ҳосилдорликни 47 центнерга етказишга қатъий қарор қилдик.

Куздаги мўл ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан экиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказишга боғлиқдир. Ялпи ҳосилни кўпайтиришнинг энг муҳим резерви ҳосилдорликни оширишдир. Биз шуни ҳисобга олиб ҳар гектар майдондан олинадиган ҳосилни ўтган йилга нисбатан 10 центнер оширамиз. Шубҳасиз, бу анча тигиз, лекин бажарса бўладиган реал вазифадир.

КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV Пленуми ва область партия комитетининг V Пленуми қарорларидан руҳланган коллективимиз аъзолари йил бошидан хўжалик ҳисоби асосида ишламоқдалар. Бригадамизга 4 та чопиқ трактори, 2 та ҳайдов трактори, битта транспорт трактори, 4 та «ПГС», 4 та культиватор ва сеялка ажратиб берилган.

ТАШАББУСГА КЕНГ ЙЎЛ

Техника воситалари учун эҳтиёж қисмлар олиш, ёқилғи-мойлаш материаллари келтириш ва сарф қилиш, маданий ўғитлар олиб келиш, ундан фойдаланиш ҳам хўжалик ҳисоби асосида олиб борилмоқда. Бригадамизда ташкил этилган ўн кишидан иборат халқ контроли группаси ҳар бир сўм пулдан тежаб-тергаб, ўринли фойдаланиш устидан қатъий назорат олиб бормоқда. Ишни бундай ташкил этиш ҳисобига бирор сўм пулнинг ўринсиз сарфланишига йўл қўйилмайди. Аъзоларимизнинг пул даромади, моддий манфаатдорлиги ортади, турмуш маданияти яхшиланади.

Бригадамизнинг ишчан механизаторлари Йўлдош Сиддиқов, Неъмат Раҳматуллаев, Рашид Каримов, Тўрақул Жўрабековлар ҳар гектар майдоннинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ер шароитига қараб 14—25 тоннадан маҳаллий ўғит ташиб чиқиб сепишди. Шудгорлаш олдидан гектарига 350 килограммдан аммофос ўғити берилди. Сувларнинг бетўхтов оқиши учун 2700 кубметр суғориш шаҳобчалари тартибга келтирилди.

Бугунги кунда область пахтакорлар Советининг 1980 йил чигитни эртa ва бақиқа муддатларда сифатли экиш ҳамда уни тупроқнинг табиий намлигида тўла ва бир текис ундириб олиш юзасидан тавсияларига тўла амал қилмоқдамиз. Майдонлар бороналашдан олдин ғўзапоя қолдиқларидан ва кўп йиллик бегона ўтлар илдизларидан тозаланди. Картаарнинг паст-баланд жойлари, карта бошлари, уват четлари, эски ариқ-зовурлар текисланди.

Майдонларни бороналаб, экишга ҳозирлашда ҳайдов тракторлари бошқарувчилари Болодя Тен, Неъмат Денисовлар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Далаларнинг экишга тайёргарлиги сифат комиссияси томонидан акт билан расмийлаштирилади. Бундан кейин бажарилаган ҳар бир агротехник тадбир ҳам шу комиссия назоратида бўлади.

212 гектар майдоннинг ҳаммасига «Тошкент-1» нав чигитни кенг қаторлаб экиладди. Шундан 60 гектарига тукли, 152 гектарига туксизланган чигит қадаланди. Чигит экишни агротехника қоидасига биноан ер қатламининг бир кеча-кундузги ўртача ҳарорати нормадаги даражага етгандан сўнг 6 иш кунида сифатли ўтказамиз. Экиш билан бирга суғориш эгатлари олинади, гербицид солинади. Ҳар гектар майдонга 30 килограммдан азот ўғити, эгатнинг икки томонига 10—12 сантиметр чуқурликка солинади. Қатқалоқнинг олдини олиш мақсадида экиш даврида мулча усулидан фойдаланамиз. Асосий карталарга чигит экиб бўлингач, пайкал четлари, бурчакларни, ўнарикларга, трактор бурилган жойларга ҳам тезда уруғ ташлаймиз.

Ҳосил кўчатдан олинади. Барча майдонларда кўчат қалинлиги нормага етмагунча бўш уяларга қўлда чигит экишни давом эттирамиз. Бегитация даврининг охиригача ҳар гектар майдонда камида 135—140 минг туп атрофида кўчат сақлаб қолишга эришамиз. Бунинг учун ягона ўтгандан сўнг ҳар бир картадаги кўчатлар сони сифат комиссияси акти билан механизатор, сувчилар ва аъзоларга биркитиб қўйилади.

Ғўзаларни касаллик ва заараркунандаларга хашаротлардан сақлаш мақсадида ўрта маълумотли қизлардан икки кузатувчи ажратамиз. Шунингдек, чигит экишда ишлатилган «ПГС»ларни трактор тирқалган ҳолда сақлаб турамиз.

Бутун куч ва имкониятларни пахтани эрта етиштиришга қаратиб, ҳосилнинг 65—70 процентини пишгач, машина теримига киришиламиз. Ялпи ҳосилнинг 92 процентини терим агрегатлари ёрдамида йиғиштириб оламиз. Бунда ипатоволиклар усулини қўллаб, «дала — бункер — тележка — қабул пункти» принципларига тўла амал қиламиз.

Пахтачиликда юксак деҳқончилик маданиятига эришиш мақсадида далаларга «Сифат белгиси» бериш, ўзаро социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида механизаторлар, сувчилар, колхозчилар ўртасида мусобақа шартлари ишлаб чиқилди. Ҳар бир цикл иш бажарилгандан сўнг сифат комиссияси акти билан мусобақа иштирокчилари аниқланади ва рағбатлантирилиб борилади.

Бригадамиз комунистлари, комсомол-ёшлари, барча аъзолари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ҳамда КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 1980 йил учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирадилар.

Илаш МУРОТОВ,
Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз 5-бригадаси бошлиғи.

Холбўта БОИМИРЗАЕВ,
бригада цех партия ташкилоти секретари.
Йўлдош СИДДИҚОВ,
бригада механизатор-звено бошлиғи.

ЛЕНИН ИШИГА СОДИҚМИЗ

Уч авлоднинг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган учрашуви қатнашчилари ўлмас Ленин ғоялариға, большевиклар гвардиясининг шонли анъаналарига содиқликларини, бутун кучларини В. И. Ленин васиятларини рўёбга чиқаришга сарфлашга тайёр эканликларини намойиш қилдилар. Учрашув 9 апрель куни Тошкент Давлат университетининг маданият саройида ўтказилди.

Ленин таълимотининг улуғворлигини шарафловчи шиорлар, транспарантлар билан, Ильичнинг портретлари билан безатилган зал турли ёшдаги кишилар — пионерлар, комсомоллар, ишлаб чиқариш илғорлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, жамоатчилик, партия ва совет органларининг вакиллари билан лиқ тўлди.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари В. И. Ленин асос солган жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг қудратини авлоддан-авлодга фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлаб, мамлакатда энг адолатли — коммунистик жамият барпо этиш йўлидан дадил олға бормоқдалар, халқлар дўстлигини доимо мустаҳкамлаб борадилар.

Минбарда ленинизмнинг тантанаси, унинг музаффар кучи тўғрисидаги, партия, Ватан ҳақидаги, авлодларнинг давомийлиги тўғрисидаги сўзлар янграйди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом ўзининг Ленин тўғрисидаги шеърларини ўқиб берди. Жимжит залда Бетховеннинг Ильич севган «Аппасионатаси» тантаналарак янграйди.

Ленин ордени кавалери, «Ташсельмаш» заводининг пайвандчиси М. Мўйдинов Ленин партияси раҳнамолик қилаётган завод ва фабрикаларнинг меҳнаткашлари ўз ота ва боболари бошлаган ишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб республика ишчилар синфи номидан ваъда берди.

1917 йилдан Коммунистик партия аъзоси, комсомол III съездининг ва КПСС XXV съездининг делегати, Туркистонда Совет ҳокимияти учун кураш қатнашчиси Л. И. Шушпанов сўзга чиқади. Йиғилиш аҳли унинг РКСМ III Бутунроссия съездида Ильич ёшларнинг вазифалари тўғрисида сўзлаган нутқи, Советлар Республикаси ва ҳимоячиларининг граждалар уруши йилларидаги шонли ишлари тўғрисидаги, қаҳрамонона биринчи беш йилликлар ҳақидаги ҳикоясини зўр қизиқиш билан тингладилар.

Комил Яшиннинг «Инқилоб тонгида» пьесасида В. И. Ленин образини яратган СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Зикир Муҳаммаджонов саҳнада пайдо бўлганида залдагилар уни қизғин қарсаклар билан табрикладилар.

Йиғилиш аҳли М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университети химия факультетининг доценти, В. И. Ленининг жияни, унинг укаси Дмитрий Ильичнинг қизи Ольга Дмитриевна Ульяновани самимий кутиб олди. У ўзининг хотираларини сўзлаб берди, учрашув қатнашчиларига москваликлардан самимий салом топширди.

Залда яна музика янграйди. Ўзбекистон СССР халқ артисти В. Гринченко «Ленинни олам танийди» қўшиғини ижро этади.

Қизил галстук тақкан пионерлар саҳнага чиқадилар. Еш ленинчилар учрашув қатнашчиларига гуллар тақдим этишади. Улар улуғ Ильич ишига содиқ бўлиб қоламиз, деб қасамёд этадилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ

Леонид Ильич Брежневнинг унга Ленин мукофотини топшириш чоғида сўзлаган нутқи мамлакат меҳнаткашлари учун ижодий илҳомнинг янги манбаи бўлиб қолди. Совет меъморлари ҳам ўз фаолиятини Леонид Ильич айтган фикрлар билан қиёслаб баҳоламоқдалар, янги-янги режаларга мурожаат этмоқдалар. Ўзбекистон архитекторларининг 9 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган XI съездининг делегатлари шулар ҳақида гапирдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ғоят баланд руҳ ва яқдиллик билан съезднинг Фахрий президиумига сайланди.

Делегатлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг табрикномасини зўр эътибор билан тингладилар. Ўнда республика меъморларининг фаолиятига юксак баҳо берилган, бундан бўёнги вазифалар белгиланган. Табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Ф. Ю. Турсунов докладида, делегатларнинг нутқларида ижодий союзнинг съездлар ўртасидаги фаолиятига якун ясалди.

Республика меъморларининг бир қанча ишлари СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари билан, бошқа юксак мукофотлар билан тақдирланган. Ижодий коллективлар кўпгина шаҳар ва посёлкаларнинг бош планларини, типовой ва алоҳида лойиҳаларни тайёрлашга ажойиб ҳисса қўшдилар.

Меъморлар ўз ижодлари билан совет кишилари фаровонлигини ўстиришга, турмуш маданиятини оширишга, коммунизмнинг актив бинокорларини тарбиялашга ҳар томонлама ёрдам беришлари керак.

Шу билан бирга меъморчилик практикаси қурилишларнинг сифати ва эстетик қимматини оширишга нисбатан ўсиб бораётган талабларга тўлиқ даражада мос келмаяпти, фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳамиша ҳам ҳисобга олаётгани йўқ.

Съезд қабул қилган резолюцияда архитекторлар ижодини такомиллаштириш, лойиҳалар сифатини ошириш ва уларни хилма-хил қилиш, илмий ва қурилиш практикаси билан алоқаларни мустаҳкамлаш, архитектура таълимини йўлга қўйишни яхшилашнинг конкрет йўллари белгиланди.

Съезд республика ижодий союзи правлениесини ва СССР Архитекторлар союзининг VII съездига делегатлар сайлади. Т. Ф. Қодирова Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси этиб сайланди.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими, СССР Архитекторлар союзи правлениесининг аъзоси О. А. Кошкин, СССР Архитекторлар союзи правлениесининг секретарлари Г. В. Ильинский, А. Г. Рочегов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

«ЛЕНИННОМА» КОНКУРСИГА

ИНҚИЛОБ САРИ ИЛК ҚАДАМ

Улуғ Ленин биринчи бор жанговар сабоқ олган Қозон студентлари революцион йиғилишининг 90 йиллигига бағишланган мажлиснинг ҳамма қатнашчиларини чин кўнгилдан қутлайман. Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси, ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг доҳийси ва устози В. И. Ленининнинг революцион фаолияти худди шу воқеадан бошланган эди.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

(Қозон студентлари революцион йиғилишининг 90 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларига йўлланган табрикномадан).

ҚОЗОНДА Ленин қадамжолари кўп. Қозон университети улар орасида алоҳида ўрин тутади. Негаки, Владимир Ильич бу муътабар даргоҳда таҳсил кўрган, шу дорилфунун остонасидан улуғ мақсад йўлидаги революцион курашга томон дадил одимлаган...



Дорилфунуннинг бош корпуси қаршисида Володя Ульяновга ёдгорлик ўрнатилган: кулранг мармар шоҳсупа тепасида бронзадан ясалган ҳайкал қад ростлаб турипти. У дорилфунунга томон одимлаётгандай, ҳозир шоҳсупадан тушиб, илмга бўлган зўр чанқоқликни қондириш учун тенгқурлари билан лекция тинглагани дорилфунун бағрига кириб кетадигандай.

Володя гимназиянинг охирги синфларида ўқиркан, жуда оғир кунларни бошидан кечирди. 1886 йил январида отаси Илья Николаевич 54 ёшида тўсатдан вафот этди. Оила бу мусибатдан ҳали ўзини ўнглаб олишга улгурмасданоқ, бошига янги бир кулфат тушди— подшо Александр III га суиқасд тайёрлашда қатнашганлиги учун 1887 йил 1 мартида акаси Александр, бироз кейинроқ Петербургда ўқиётган опаси Анна қамоққа олиндилар. 1887 йил 8 майда чор жаллодлари 21 ёшли Александр Ульяновни қатл этдилар. 18 га эндигина қадам қўйган Володя учун бу машъум хабар жуда оғир зарба бўлди. Бироқ бу мусибат Володяни довдиратиб қўймади, уни тушкунлик жарига йиқолмади. Аксинча, акасининг қатл этилиши Владимир Ильичнинг революцион қарашларини мустаҳкамлади. Анна Ильиничнанинг сўзлари билан айтганда «Александр Ильич қаҳрамонларча ҳалок бўлди, унинг қони эса укаси Владимир танлаган йўлни революцион аланга шуъласи билан ёритди».

Владимир Ильич акасининг порлоқ хотираси, унинг фидойилиги ва мардлиги олдида бош эгса-да, Александр танлаган террористик кураш йўлини рад этди: «Йўқ, биз бу йўлдан бормаймиз, бу йўлдан эмас, бошқа йўлдан бориш керак!» — деган қатъий қарорга келди.

Ульяновлар оиласи учун фожиали бўлган бу кунларда Владимир Ильичнинг ўзини дадил тута билиши ва матонати тўла намоён бўлди. У фарзанд доғида юрак-бағри тилка-пора бўлган онасига далда бўлишга ҳаракат қилди, ғам-ғуссаларни мардона енгиб, қунт билан, сабот билан гимназиянинг якунловчи имтиҳонларига тайёрланди. Ниҳоят, етуклик аттестати учун катта муваффақият билан имтиҳонлар топширди ва олтин медалга мушарраф бўлди.

Университет маъмуриятининг расмиятчилиги, ҳадиксирашлари ва сансалорлиги туфайли илм йўлида яна қатор ғов-тўсиқлар пайдо бўлди, аммо Володя аҳдида қатъий эди. Ниҳоят, у юридик факультетининг биринчи курсига қабул қилинди...

...Мана, биз ҳозир Володя Ульянов лекция тинглаган ўша тарихий хонада турибмиз. Бу ердаги ҳамма жиҳозлар 1887 йилдагидай бўлишига ҳаракат қилинган: ўша даврдаги парталар, дубдан ясалган шкафлар, газ билан ёқилувчи қандиллар. Шкафларда юридик факультетининг ўша даврдаги талабалари фойдаланган китоблардан намуналар қўйилган.

Владимир Ильич университетда бор-йўғи 114 кун ўқиди. 1887 йил декабрь ойидаги воқеалар уни дорилфунун даргоҳидан кетишга мажбур этди.

...Шу куни Володя уйдан эрта чиқди. У ўзини босиқ тутишга, ҳаяжонини яширишга уринарди. Унинг ҳаяжонланаётгани бежиз эмасди: уч кун аввало — 1 декабрь куни Қозон университети билан ветеринария институтининг бир группа вакиллари яширин кенгашга тўпланишди. Кенгашга Москва студентларининг вакили ҳам келган эди. У Москва, Петербург, Одессадаги студентларнинг чиқишлари ҳақида, Москвадаги шундай чиқишлардан бирида студентлар билан полиция ўртасида тўқнашув бўлганлиги ва икки студентнинг ўлдирилганлиги тўғрисида гапирди. Шунда йиғилганлар бу бебошлик ва ёвузона истибдодга қарши дарҳол норозилик намойиши ўтказиш зарур, деган қарорга келишди.

4 декабрь куни Володя ана шу йиғилишга ошиқмоқда эди. Володя келганида университет йўлакларида ва вестибюлда талай студентлар йиғилиб қолганди. Улар уёқ — бу ёққа безовта кезинишар, тараддудланишар, кўзларидан ўт чақнар эди. Шу куни соат 12 да университет ректори профессор Н. А. Кремлев юридик факультетида Рим ҳуқуқидан лекция ўқиши керак эди. Тўпланаётганлар орасида «Йиғилишга, ўртоқлар йиғилишга!», «Биродарлар, ҳаққоний ҳуқуқларимиз ҳимояси учун дадил турайлик!», «Йўқолсин инспекция!» — хитоблари янгради.

Студентлар оломони иккинчи қаватдаги мажлислар залига олиб борадиган кенг мармар зиналар бўйлаб юқорига кўтарила бошлади. Олдинда мушт қилиб олган қўлларини ҳавода силкитиб, олға ундаб Владимир Ильич Ульянов борарди.

Студентлар оломони қирғоққа келиб урилган тўлқин каби орқага-пастга қайтди ва тор йўлак орқали ўтиб, юридик факультет томондан залнинг орқа эшикларига томон оқди. Бу эшиклар ҳам маҳкамлаб қўйилган эди. Студентлар куч билан эшикни очиб, ичкари кирдилар. Дераза токчаларида, кафедрада, стол-стуллар тепасида нотиқлар пайдо бўлишди. Шу пайт медицина ҳамда ветеринария институтларининг талабалари полиция ва университет маъмуриятининг тақиқлашларига қарамай, тўсиқларни ёриб ўтиб, университет биноси ичига отилдилар ва студентларнинг гулдурос қарсақлари остида мажлислар залига кириб келдилар.

Шу чоқ залга ёрдамчилари муҳофазасида инспектор Потапов кириб келди. У «Буюраман: тарқалинглар» — деб бақирди, полицияни, ҳарбий қисмларни чақираман, деб дағдаға қилди. Дарғазаб оломон ичидан кимдир «Ур!» деб қичқирди. Инспекторга яқин турган бир студент унинг бетига тарсаки тортиб юборди, теварак-атрофдан муштлар ёғила кетди. Потапов залдан аранг қочиб чиқди.

Йиғилиш олдиндан белгиланган режа асосида борди: йиғиннинг ҳайъати сайланди, йиғилганларга «Қозон студентларининг талабномаси» ҳамда «Қозон студентларининг варақаси» ўқиб эшиттирилди. Мазкур ҳужжатларда университетдаги реакцион уставнинг бекор қилиниши, студентлар жамиятларини тузишга ижозат берилиши, ўқишдан чиқариб юборилган студентларни қайта тиклаш ва бу ишда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш талаб этилган эди. Залдагилар талабномаларни қизғин маъқулладилар. Йиғилиш 4 соат давом этди.

Ниҳоят, ректор студентлар зални бўшатиб қўйишмаса, жандарма бошқармасига мурожаат қилиб, қўшин чақиришга мажбур бўлажагини маълум қилди. Университет ташқарисида Ревель пиёда полкининг бир батальон солдатлари шай турарди. Студентлар залдан ўз хоҳишлари билан чиқиб кетажакларини, полиция ва инспекция уларга монеълик қилмаслигини шарт қилиб қўйдилар. Қути ўчган маъмурият бу шартга қулоқ қоқмай рози бўлди.

Студентлар талабномасининг инобатсиз қолдирилиши ва йиғилишнинг тарқатиб юборилишига норозилик ифодаси сифатида 99 студент мажлислар залидан чиқа туриб студентлик билетларини ректорнинг олдига намойишкорона ташлаб кетдилар. Владимир Ильич Ульянов студентлик билетини биринчилар қаторида ташлаб чиқди.

Шу куниёқ инспектор йиғилиш қатнашчиларидан 153 кишининг рўйхатини ректорга тақдим этди. Фамилияси ёнига икки ёки уч белги қўйилган студентлар университетдан чиқариларди. Рўйхатдаги 139 номерли фамилия — Ульянов Владимир Ильич қаршисида учта белги қўйилган ва фамилия остига йўғон чизиқ тортилган эди.

5 декабрь куни Қозон университети правлениеси В. И. Ульяновни ва йиғилишнинг бошқа фаол қатнашчиларини университетдан чиқариш ҳақида қарор қабул қилди.

4 декабрдан 5 га ўтар кечаси йиғилиш-намойиш ташаббускорларидан 40 киши, жумладан, В. И. Ульянов ҳам ҳибсга олиниб, турмага қамалди. Турмага кетаётганларида Володя билан уни кузатиб бораётган полиция пристави ўртасида ғоят характерли қуйидаги диалог бўлиб ўтди:

— Йигитча, нима қилиб ғовға кўтариб юрибсиз? Ахир, қаршингизда девор турибдику, — деди пристав насиҳатомуз.


— Деворликка деворку-я, аммо нураб қолган девор-да, — сал туртиб юборсанг, қулаб тушади! — ҳозиржавоблик ва дадиллик билан жавоб қилди Володя.

Шундай қилиб, кўҳна дорилфунун ўзининг «шаккок» талабасини революцион курашлар бағрига «узатди»...

Кичик илова: Дорилфунунда Ленин мемориал-музейи ташкил этилгандан бери ўтган 32 йил мобайнида уни 4,5 миллиондан ортиқ киши, шу жумладан жаҳоннинг 112 мамлакатидан чет эллик меҳмонлар келиб кўришди. Улуғ доҳийнинг порлоқ хотираси олдида таъзим бажо келтириш, Ленинга бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромини, чексиз миннатдорчилигини изҳор этиш учун бу муътабар даргоҳ томон зиёратга оқиб келувчиларнинг сира кети узилмайди.

Мемориал шу кунларда айниқса гавжум. Университет профессор-ўқитувчилари ва кўп сонли студентлар коллективи В. И. Ленининнинг 110 йиллик юбилейи муносабати билан анъанавий тадбирлар комплексини бошлаб юбордилар. Университет коллективи В. И. Ульянов-Ленин номига муносиб бўлишга, илмий-амалий ва таълим-тарбиявий ишлар соҳасидаги муваффақиятлар билан бу шарафли номни оқлашга, ленинчасига яшаш, ишлаш ва ўқишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Воҳид АБДУЛЛАЕВ,
доцент.
Тошкент — Қозон — Тошкент.



Ҳусан Тўхтаев «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги бош корхонасида узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган пешқадам ишчи.

В. Сироткин фотолари.



ЎЗБЕКИСТОН қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг пешқадам ишчиси С. Иноғомов иш устида.

1983 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Автотранспортчилар мусобақасида Янгийўлдаги 107-автокорхона коллективи олдинги сафда боряпти. Улар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида юк ташиш ҳажмини уч процентга оширишни кўзда тутишган.

Автокорхона коллективи бу маррага эришиш учун ички резервлардан унумли фойдаланмоқда. Меҳнатни илмий асосда ташкил этишга катта эътибор берилаяпти. Бу ишда комсомол-ёшлар ибратли тадбирларни амалга оширишаяпти. Ёшлар ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йили учун оширилган мажбуриятлар қабул қилишмоқда.

Автокорхонанинг 16 илғор ҳайдовчиси жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги нишонланадиган кунгача беш йиллик топшириқни адо этиш ташаббуси билан чиққан эди. Комсомол-ёшлар ватанпарварлик ташаббусига биринчилар қаторида қўшилишди. Уларнинг орасида О. Мустафоев, В. Дадаев каби илғор комсомол аъзолари бор. Бу ёшлар 1983 йил ҳисобига меҳнат қилишаяпти.

„КЎКОРОЛ“ РЕЗЕРВЛАРИ

Йиғилиш тўғрисидаги эълон бир ҳафта олдин осиб қўйилди. Кун тартибига қўйилган масала ҳар бир коммунист, ҳар бир партиясиз активга тааллуқли эди. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш, 1980 йилни, умуман беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун қандай тадбирлар амалга оширилаяпти, резервлар тўла ишга солинаяптими, омма орасида олиб борилаётган ташкилий-тарбиявий ишлар даражаси қандай бўлаяпти — йиғилишда мана шу масалалар чуқур таҳлил этилиши, вазифалар яна ҳам конкрет белгилаб олиниши лозим эди. Шу боисдан ҳам коммунистлар бу галги йиғилишга алоҳида тайёргарлик билан келдилар.

Ленинчасига, коммунистчасига яшаймиз, ишлаймиз ва курашамиз деган шиорни «Кўкорол» совхози ишчилари баланд кўтаришган. Докладчи совхоз бош агрономи Усмон Бўсинов ўтган йилги қийин шароитда коммунистлар, барча ишчилар кўрсатган жасорат ҳақида тўлқинланиб гапирди. Совхоз партия ташкилоти ҳисобида ҳозир юздан ортиқ коммунист ва партия аъзолигига кандидат бор. Улар мусобақани ташкил этишда, мўл ҳосил учун курашда омманинг етакчилари бўлишаяпти. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида совхоз Ватан хирмонига 28 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берди. Бу пландагидан анча кўпдир.

Докладчи айниқса 1979 йилда қўлга киритилган ютуқлар устида алоҳида тўхталди. Пахтакорлар илғор тажрибаларга амал қилиб, ҳосилдорликни йил сайин оширмоқдалар. Ўтган йили гектар бошига 26 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Бу 1978 йилдагига нисбатан икки центнер кўп демакдир. Ҳосилдорликни ошириш эвазига қўшимча 545 тонна пахта олинди ва Ватанга жами 7745 тонна «оқ олтин» сотилди.

Ҳосилдорликни ошириш пахта етиштиришни кўпайтиришда бош резерв эканлигини ҳозир ҳар бир ишчи яхши билади. Айниқса коммунистлар ҳосилдорликни ошириш учун бошланган курашда зўр ғайрат кўрсатмоқдалар. Улар қолоқларни илғорлар даражасига етказиб олиш, ишлаб чиқаришни комплекс ривожлантириш устида кўп қайғурмоқдалар.

Йиғилишда коммунист Мамадали Худоёров ташаббуси мамнуният билан тилга олинди. Ўтган йили у ўз ихтиёри билан қолоқ участкага ўтиб ишлаш истагини билдирди. Бу участкада ҳосилдорлик ҳар йили 20 центнердан ошмас эди. Моҳир пахтакор бир йилда ҳосилдорликни 36 центнерга етказди. Ҳар бир ишчи ҳисобига 15 тоннадан пахта етиштирилди. Ҳосилдорлик учун курашда ғолиб чиққан уста пахтакор меҳнати муносиб тақдирланди.

Мамадали Худоёров бу йил 54 гектар ерда деҳқончилик қилаяпти. Доҳий юбилейи нишонланадиган йилда у ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга сўз берган.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ:
ЛЕНИНЧА ОЧИҚ ЙИҒИЛИШЛАР

Мамадали Худоёровнинг издошлари совхозда кўпайиб бормоқда. Аъзамқул Маматқулов, Ҳамза Мустафоев, Илмдор Исаев каби бригада бошлиқлари ҳам беш йилликнинг якунловчи йилида гектар бошига 40 центнердан ҳосил олишга аҳд қилдилар.

Ваъда бердингми, уни бажар! Йиғилишда сўзга чиққан бўлим бошқарувчиси Х. Шукуров, бригада бошлиқлари Т. Сиддиқов, А. Матқулов ўртоқлар шу шиорни яна бир бор эслатдилар. Совхоз ишчилари бу йил 3 минг гектар ерга пахта экадилар. Ҳосилдорликни 30 центнерга етказиб, она-Ватанга 9 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш уларнинг аҳду паймонларидир. Бу юксак маррани забт этмоқ учун янада ғайрат билан меҳнат қилиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, қурилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Чигит экиш кампанияси бошланиши олдидан экипаж аъзолари махсус курсларда таълим олдилар. Уруғлик марказлаштирилган усулда тайёрланди. Уни дорилаш, димлаш, етилтириш учун махсус кишилар ажратилди. Сеялка ва тракторлар ремонти сифати яна бир бор текшириб чиқилди.

Мана ҳозир гербицидланган чигитни экиш пайтида ҳар гектар майдонга 100—120 килограммдан аммофос солинаяпти. Сеялкаларнинг бир қисми совхоз устахонасида қайта модернизация қилинди. Улар ерга қадалаётган чигит атрофига бир йўла маҳаллий ўғит ҳам сочиб ўтаяпти. Шунда ер қатқалоқ бўлмайди, уруғ ер намига униб чиқиб, эркин ривожланади.

Йиғилишда ҳар бир бўлим, ҳар бир бригада иши анализдан ўтказилди. Илғорлар мадҳ этилди, қолоқлар эса кескин танқид қилинди. Совхозда 33 та пахтачилик бригадаси бор. Ўтган йилда 2 та бўлим ва 12 та бригадада ҳосилдорлик совхоз даражасидан паст бўлди. Д. Розиқов, О. Отаев раҳбарлик қилган бригадаларда ҳосилдорлик олдинги йиллардагидан 3,5—5,2 центнерга камайиб кетди.

Хўш, нега шундай бўлди? Бригада бошлиқлари мавсумда тўла гектарлар яратиш ғамини емадилар. Парваришда агротехника қоидаларига тўла риоя қилмадилар. Айниқса суғориш пайтида улар назоратни бўшаштириб юбордилар. Карталарнинг бир қисми захлатиб юборилди. Сув уриб кетган ерлар эса дарров культивация қилиниб, қайта суғорилмади. Пировардида ҳосилдорлик пасайиб кетди. Агарда бу бўлим ва бригадалар ҳам ҳосилдорликни совхоз даражасига етказганларида қўшимча 400 тонна пахта олинган бўлар эди.

Совхоз дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари ўтган йилда йўл қўйилган нуқсонлар сабабини ўрганиб, бу йил зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ўтган йили гектаридан аранг 22 центнердан ҳосил олган Сайфиддин Мирзаев бошлиқ бригада ерлари республикада хизмат кўрсатган пахтакор Эрмонтой Оқмуллаев бошлиқ бригадага қўшиб берилди. Бу фикр Э. Оқмуллаевнинг ўзидан чиқди. У бригада ерларини яхлит қилиб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга, қолоқ участкада ҳам мўл ҳосил етиштиришга сўз берди. Бошқа бригадалар ҳам ишбилармон, тажрибали кадрлар билан мустаҳкамланди.

— Йиғилиш арафасида мен далаларни бир-бир айланиб чиқдим,— деди совхоз директори Х. Абдиев.— Кўпгина майдонлар бороналаниб, экишга тайёр қилиб қўйилибди. Бу яхши. Лекин бир қатор бригадаларда ҳали ҳам оборотга киритилмаган ерларни ҳам кўрдим. Карталарнинг четлари, кўчаларнинг бўйларида талайгина ерлар ҳайдалмай қолибди. Ҳар қарич ер ҳисобда бўлиши керак. Ахир ҳосил шу гектарлардан олинади-ку. Кемтик ерларни зудлик билан ҳайдаб экинзорларга қўшсак, кузда тутилганидан кўпроқ ҳосил олишимиз мумкин.

«Кўкорол» совхози коммунистларининг «Ленинчасига, коммунистчасига яшаймиз, ишлаймиз ва курашамиз» деган шиор остида ўтган очиқ партия йиғилиши қарори шу кунларда ҳаётга татбиқ этилаяпти. Йиғилишда билдирилган танқидий мулоҳазалар тўла ҳисобга олиниб, йўл қўйилган нуқсонлар бартараф этилмоқда.

Ҳозир совхозда чигит экиш қизғин бошланиб кетган. 60 та сеялканинг ҳаммаси дала бошида. Етилган карталарга барака уруғи қадаляпти.

Шийпонлар яна ишчилар билан гавжумлашиб кетди. Улар учун шу ерда иссиқ овқатлар ташкил қилинган, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар суҳбатидан ҳамма мамнун. Ишчилар янгиликлардан дала бошида бохабар бўлмоқдалар. Одамларнинг кайфияти яхши. Улар юбилей йили ҳосили учун қизғин кураш бошлаганлар. Кузда уюладиган катта хирмонларга бугун пухта замин қўйилмоқда.

Ж. НОСИРОВ,
Бўка райони.



ОҚҚЎРҒОН районидаги телевизор тузатиш устахонасида Ф. Валитов шогирди Р. Турдалиевга иш ўргатмоқда.

Ҳ. Аввалов фотоси.

КОМСОМОЛ ҲАЁТИ

ҒАЛАБА БОҒЛАРИ

Тошкент шаҳрининг минглаб йигит-қизлари Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 35 йиллигини ўқишда, ишлаб чиқаришда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашмоқдалар. Комсомол-ёшлар бир қатор ташаббуслар билан чиқишаяпти.

Тошкент шаҳар комсомол ташкилотининг XXVI ҳисобот-сайлов конференциясида делегатлар Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 35 йиллиги шарафига Шуҳрат хиёбонларини ташкил этиш таклифи билан чиққан эдилар. Шаҳар комсомол комитети бюроси бу масалани яна бир бор кўриб чиқиб тадбирлар белгилади.

Ҳозир минглаб ёш ленинчилар шанбаликлар ўтказиб, янгидан-янги хиёбонлар, боғлар ташкил этишмоқда. Ҳозирнинг ўзида миллион тупдан ортиқ дарахт кўчатлари ўтказилди. Ҳозирча комсомоллар ташаббуси билан шаҳримизда 35 та хиёбон барпо этилаяпти.

ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

Ўзбекистон металлургия заводи комсомол-ёшлари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига 110 зарбдор кун эълон қилган эдилар. Ёш ленинчилар бу мусобақада актив иштирок этиб, зафар кетидан зафар қучмоқдалар.

Корхона комсомол комитети социалистик мусобақага оператив якун ясаб бормоқда. Ғолиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаяпти. Илғор тажрибалар эса омманинг мулкига айлантирилмоқда. Туғилган ташаббуслар кенг қулоч ёйяпти.

Ёшлар коллективлари социалистик мусобақасида Ваҳоб Назаров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси пешқадамлар сафида боряпти. Бу бригада аҳли кунлик нормаларни зиёдаси билан адо этмоқда. Комсомол ташкилотчиси Абдуманнон Турдиматов ўз нормасини 140—150 процентга етказиб бажараяпти. Ёш металлурглар комсомол дарғаси изидан боришаяпти.

САНОАТЧИЛАРНИНГ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИ

ОЙЛИК ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

Областимиз саноатчилари шу йилнинг биринчи квартали планини муваффақиятли бажардилар. Саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми планда белгиланганига нисбатан 1,8 процент ортиғи билан адо этилди. Областдаги барча шаҳарлар ва районлар бу кўрсаткич бўйича планни тўла ва зиёдаси билан адо этдилар. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,1 процент ортди, ваҳоланки план бўйича у 2,3 процентни ташкил этиши керак эди. Меҳнат унумдорлиги планда белгиланган 1,1 процент ўрнига 2,6 процент ортди.

Саноатнинг қатор тармоқларида, жумладан ёқилғи, химия, машинасозлик ва металл ишлаш, ёғочсозлик, ўрмон ва озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги жадал суръатлар билан ортди. Тошкент, Ангрен, Оҳангарон, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Ғалаба, Коммунистик, Пскент, Тошкент ва бошқа районлар саноат корхоналарининг коллективлари ҳам ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг тез суръатлар билан ортишини таъминламоқдалар.

Саноатчиларимиз йил бошидан бери пландагига қўшимча кўпгина миқдорда кўмир қазиб чиқаришди, электр энергияси ҳосил қилишди, куч трансформаторлари, минерал ўғитлари, химия асбоб-ускуналари, брон кабели, пахта териш машиналари, трактор прицеплари, культиваторлар ва сеялкалар, қишлоқ хўжалиги машиналари учун эҳтиёт қисмлар, компрессорлар, асбоцемент қувурлари, керамик пардозлаш плиталари, дераза ойнаси, чўян ванна, чинни ва фаянс буюмлари, мебель, каноп толаси, устки ва ички трикотаж, пойафзал ишлаб чиқардилар. Ўсимлик мойи, ун, ёрма, нон-булка ва кондитер маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари, уй-рўзғор ва маданий-маиший эҳтиёжлар учун товарлар ҳам планда назарда тутилганидан ортиқ реализация қилинди.

Областимиздаги кўпгина корхоналар коллективлари давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишига эришмоқдалар. Шундай қилиб, улар областимиз бўйича белгиланган юксак меҳнат марраларини эгаллашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Тошкент электрон техника, электротехника заводлари, Тошкент ГРЭСи, резинотехника, Оҳангарондаги «Сантехлит» ва «Стройпластмасс» заводлари, «Тошкент» мебель бирлашмаси, Олмалиқ мебель фабрикаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик, «Малика» трикотаж, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, Далварзин ва Бўка пахта тозалаш заводлари, Тошкент ёғ-мой комбинати, Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер бирлашмаси, Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, Янги Тошкент консерва комбинати, Тошкентдаги 2 ва 4-нон маҳсулотлари комбинатлари коллективлари шулар жумласидандир.

Областимиз саноатида олий категория сифати даражасида бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда 1063 буюм олий сифат категорияси билан истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Фақатгина шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида маҳсулотларнинг 155 тури давлат сифат белгиси аттестациясидан ўтказилди.

Айрим меҳнат коллективлари хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш резервларидан тўла фойдаланиш туфайли, олдинги ойлардаги қолоқликни тугатиб, илғор коллективлар сафига қўшилдилар. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, Чиноз қум-шағал карьери, Бекобод цемент комбинати шундай коллективлар жумласидандир.

Шу билан бирга март ойида Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ва «Главташкентстрой»нинг айрим корхоналари ишда оқсашга йўл қўйдилар. Бунинг оқибатида «Алмалыксвинецстрой» трестининг темир-бетон буюмлари заводи, Олмалиқдаги 5-темир-бетон буюмлари заводи, «Жилстрой» трестининг Тошкентдаги 3-йирик панелли уйсозлик заводи, Тошкент уйсозлик комбинатининг 1-йирик панелли уйсозлик, «Главташкентстрой»нинг 6-темир-бетон буюмлари заводлари биринчи квартал планини барбод этдилар.

Планнинг бажарилмаслигида топшириқнинг ойлар бўйича баравар тақсимланмаганлиги ҳам салбий роль ўйнади. Юқоридаги корхоналарда март ойи топшириқлари умуман биринчи квартал учун мўлжалланган жами иш ҳажмининг 42 процентидан то 51 процентигача бўлган миқдорни ташкил этди. Чирчиқдаги 9-ғишт заводлари бошқармаси ҳамон қониқарсиз ишламоқда. Шу корхона Тошкент область бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси бутун коллективи ишини орқага сурмоқда.

Пўлат ва прокат, цемент, йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, асбоцемент шифери, иморатбоп ғишт, қоғоз, пахта толаси, тикувчилик буюмлари ва халқ истеъмоли товарлари айрим турларини ишлаб чиқариш планда белгиланганидан орқада қолишда давом этмоқда. Айрим маҳсулот турлари бўйича ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қолоқликка йўл қўйилди. Саноат корхоналарининг 34,8 проценти, юзлаб бригадалар, участкалар, цехлар, ўнларча минг ишчилар шонли юбилейгача топшириқларни муваффақиятли бажариб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлаётган бўлсалар-да, умуман Тошкент областида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари бўйича ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришдан орқада қолинмоқда.

Область бўйича меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортиши жами ўсишнинг 63,4 процентини ташкил этганлиги ташвиш туғдирмоқда. Олмалиқ шаҳри, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Калинин, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл районлари корхоналари эса маҳсулотнинг бутун ортишига саноат ишлаб чиқариш персонали сонини кўпайтириш ҳисобида эришдилар.

Шуниси афсусланарлики, қатор корхоналар буюмларни етказиб бериш шартномаларида ва асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, комплектлаштирувчи буюмлар, пахта толаси, бинокорлик материаллари нарядларида назарда тутилган номенклатурада етказиб бермаяптилар.

Жойлардаги партия ва хўжалик органлари ҳар бир корхонада шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришни бажармаслик сабабларини чуқур ўрганишлари ва уларни бартараф этиш учун барча тадбирларни кўришлари керак. План интизоми устидан назоратни кучайтириш, ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишнинг бригада ва рағбатлантириш формаларини кенг жорий қилиш лозим. Айниқса, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, БЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, шунингдек Фахрий Ленин ёрлиқлари билан мукофотланган коллективлар тажрибасидан ижодий фойдаланишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ленин юбилейи йилида план ва мажбуриятларни бажармаган бирорта ҳам корхонанинг қолмаслигига эришиш социалистик мусобақа барча иштирокчиларининг асосий вазифасидир. Кунлик, ойлик ва квартал планлари ҳамда социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши учун кураш, ўнинчи беш йиллик якунловчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш, ўн биринчи беш йилликни яхши бошлаш учун мустаҳкам замин яратишга ёрдам беради.

Ж. РИЗАЕВ,
Тошкент область статистика бошқармаси бошлиғи.



СОҲИБКОРЛАР ИШ БОШЛАДИЛАР

Академик Р. Р. Шредер номидаги богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тожибой Мираъзамов етакчилик қилаётган 3-богдорчилик бригадаси соҳибкорлари механизация ёрдамида очилган токларни пешма-пеш симбағазларга ўтаришмоқда. Бу ишда Ҳ. Мансуров, И. Тиялабоев, Х. Шариповалар ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Бригада коллективи бу йил 500 тонна узум етиштиришга аҳд қилган.

Жўра Холметов етакчилик қилаётган бригада боғбонлари эса мевали дарахтларнинг кўчатларини етиштириб, она диёримизни боғларга бурканда фаоллик кўрсатишмоқда. Улар шу кунгача 600 минг туп сара кўчат тайёрлаб қўйишди.

Ҳ. МАҲКАМОВ,
С. ҲОЖИЕВ.
Тошкент райони.

Гулюзим Жиянбоева пойтахт областининг машъал чорвадорларидан бири. У кейинги йилларда қарамоғидаги сигирлардан ўртача 6000 килограммдан сут соғиб олаётир. Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз фермасида сут согувчи бўлиб меҳнат қилаётганларининг аксарият кўпчилиги Г. Жиянбоеванинг шогирдларидир. Суратда: Г. Жиянбоева (ўнгдан иккинчи) шогирдлари М. Бекаева, М. Тошхўжаева, Н. Хожибоева ва М. Матқосимовалар билан.

А. Абалян фотоси.

ЭЛЛИКЦЕНТНЕРЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЕРГА ЕР ҚЎШИЛГАЧ...

Ортиқвой бригада аъзолари билан дала бошида учрашишга келишганн учун йўлга барвақт отландн. Оти ўрганган ерлар эмасми, Култепа қишлоғидан чиқиши билан тўғри Қурама тоғлари этаклари томон йўрғалаб кетди.

Оппоқ қордан либос кийган улкан тоғ қуёш нурида ажиб товланади. Аста илиқ шамол эсиб турибди. Ердаги қор эриб бошлаган. Жилғалардан ҳосил бўлган бир ариқ сув дала ўртасидан ўтиб, олис-олисларга шошилади.

Орадан кўп вақт ўтмай қиш бўйи ҳувиллаб турган дала шийпони бригада аъзолари билан гавжум бўлди.

— Кеча районда катта анжуман — қурултой бўлди, — деди Ортиқвой колхозчиларга бирма-бир кўз ташлаб чиқаркан. — Ўтган йилги ишларга якун ясалиб, янги режалар белгилаб олинди. Районимиз бу йил 45 минг тонналик «оқ олтин» хирмони учун курашади. Мен аввал келишганимиздек, ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга сўз бердим.

— Жуда тўғри айтибсан, — деди звено бошлиғи Жалил ака Исаев. — Ўтган йили чакки ишламадик. — 50,9 центнердан хирмон кўтардик. Ҳосилдорлик бир йилда 3 центнерга ортди. Бу йил ҳам ана шундай рекорд натижага эришамиз.

— Хирмонга қараб даромад ҳам мўмайгина бўлди, — гапга аралашди 2-звено бошлиғи Тўлаган Аҳмедов. — Биз ҳар биримиз йиллик ҳисоботда 2500—2600 сўмдан пул олдик. Сувчиларимиз Абдуалим Сатторов ва Мусурмон Қурбоновлар эса 2800 сўмдан олишди.

— Буларнинг ҳаммаси ҳалол меҳнат самараси, — дея яна гапни давом эттирди бригада бошлиғи Ортиқвой Мавлонов. — Кечаги йиғилишда ерга-ер қўшиш, ирригация борича кўпроқ ҳосилни олиш масаласига алоҳида эътибор берилди.

— Бу атрофда бўш ер қолмади-ку! — деди кимдир.

— Тўғри, бир қарағанда ўзлаштириладиган ер қолмагандек туюлади. Бу ерлар бундан 15—20 йил аввал тўқайзор эканлиги ҳаммамизга маълум, — деди Ортиқвой. — Устозимиз Ҳакимполвон Қодиров бошчилигида тўқайзорга «ҳужум» бошлаб, уни чекинтирдик. Асрлар бўйи бўш ётган ерда пахтазор барпо қилдик. Меҳнатимиз зое кетмади. Мана, Тўлаган билан Жалил акаларнинг кўксини Ленин ва «Меҳнат Қизил байроқ» орденлари безаб турибди. Устозимиз эса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак шарафга муяссар бўлдилар. Бу ерлар ҳали бизга жуда кўп саховатини кўрсатади.

Бригада етакчиси бир оз ўйга берилиб, яна гапида давом этди:

— Хўш, қандай қилсак яна ерга ер қўшиш мумкин?

ЛАВҲА

— Ростини айтганда, — деб ган бошлади сувчи Мусурмон ака. — Карта четларида жуда кўп ерлар марзага чиқариб юборилган. Айниқса, сизот сувлари яқин бўлгани учун зовурлар четида 4—5 метрдан ер бекор ётибди. Уларни карталарга қўшиш керак.

— Бу айни муддао, — деди бригадир. — Хўш, кимда яна қандай таклиф бор?

— Менда бир фикр бор, — деди Тўлаган. — Ейилмаган ҳовуз атрофидаги 5—6 гектар ерга захкашлиги учун кўпдан бери экин экилмайди. Агар атрофдаги тупроқни суриб, ҳовузни тўлдирсак пахта етиштириш мумкин.

— Бўлади, яхши фикр, — деди бригадир.

Бригада аъзоларининг ҳаммасига иш тақсимлаб берилди. Матлуба Машарипова, Ўғилбуш Жабборова, Мукамбар Абдурахмонова сингари қиз-жувонлар сув шохобчаларини тозалашга отланишди. Тўлаган Аҳмедов бульдозерни ўт олдириб, бригада йигитлари билан Ейилма томон йўл олди.

Иш қизиб кетди. Кучли тракторлар тепаликларни азалий уйқусидан уйғотиб, ҳайқириб ишларди. 2-3 кун ичида ҳар томондан оқава сувлари келиб тўпланадиган майдон сатҳи пахта экиладиган ерлар билан баравар-лаштирилди.

Янги ерга Наби Ҳошимов ва Тўлаган Ҳамроевлар прицепли трактерда колхоз фермасидан гўнг ташиб чиқардилар.

Уста пахтакор, миришкор деҳқон Ҳакимполвон Қодиров пенсияга тантана билан кузатилгач, ўрнига Ортиқвой Мавлоновни тайинлашганди. У бир оз чўчигандек бўлди. Чунки ҳосилдорлик бўйича районда энг юқори даражага эришган бригаданн бошқариш осон эмас!

«Фақат ер билан тиллашсанг, меҳнатингни ундан аямасанг, ер саҳийлигини аямайди», — деб насиҳат қилди Ҳакимполвон шогирдига. Устозининг панд-насиҳатлари асосида иш юритгани учун ўтган йилги натижа чакки бўлмади. Бригада районда ҳосилдорлик бўйича байроқдорликни қўлдан бермади. Она Ватанга 125 гектар ердан 640 тонна дур армуғон этилди.

Айни кунларда бригадада иш қизғин. 50 центнерлик маррани эгаллаш учун кураш анча барвақт бошланди. Кузда барча майдонлар аммофос ва гўнг солингач, сифатли шудгор қилинди. Ердан қор кетиши билан эса ариқ-зовурларни тозалаш, далага гўнг чиқариш ишлари бошлаб юборилди.

— Майдонларимизга сизот сувлари яқин, — дейди Ортиқвой Мавлонов. — Чигит ерга қадалганидан сўнг сал ёғингарчилик бўлса, қатқалоқ пайдо бўлади. Ана шу пайтда қатор ораларига солиш учун 200 тонна гўнг ҳозирлаб қўйдик.

Бригадада экиш олди тайёргарлик ишлари ана шундай ҳамжиҳатлик билан олиб борилди. Юксак чўққиларни кўзлаб меҳнат қилаётган марду-майдонлар, омад сизга ёр бўлсин!

Т. ҚОСИМОВ.
Пискент районидаги Тельман номли колхоз.

САБЗАВОТЧИЛИК ВА МЕХАНИЗАЦИЯ

ҚИШЛОҚ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш даражаси йилдан-йилга ортиб борянти. Сабзавотчиликда ҳам бу соҳада муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўчат экиш, картошка ҳосилини йиғиштириб олишда техникадан кенг фойдаланилянти. Бўлимимизда эса помидорни териб олиш асосан механизациялаштирилган.

Сабзавот экиладиган умумий майдон 145 гектарни ташкил этади. Бу ҳар бир ишчига 2 гектардан ортиқроқ майдон тўғри келади, деган гап. Ернинг кўплиги, ишчи кучи озлигини ҳисобга олиб, 1979 йилда бўлимимизнинг 8-бригадасида 20 гектар майдонга ҳосилини комбайн билан теришга мослаштирилган помидор экдик. 10 гектар ерга помидорнинг уруғи, қолган майдонга эса парникларда тайёрланган кўчатлар экилди. 1978 йилнинг кузида бу далаларнинг ҳар гектарига 15 тоннадан маҳаллий ўғит, 500 килограммдан фосфор, 200 килограммдан калий солиб, чуқур шудгорлаб қўйган эдик. Эрта баҳорда ер етилиши билан ҳар гектар майдонга 500 килограммдан аммофос сочиб, борона билан икки йўналишда ерни текисладик. Уруғ экишдан аввал ҳар гектар майдонга 3 килограмм ҳисобида «Трифлан» гербицидин сепиб, тупроқни қориштирдик. Ўн гектар майдонга «Новинка предшествовия» навли помидор уруғини «СКОН-4,2» сеялкаси билан 1—1,5 сантиметр чуқурликка 120х60х15 сантиметр схёмасида экдик. Гектар бошига 60—70 минг туп кўчат бўлишига эришдик. Худди шу усулда 10 гектар майдонга «Машиний-42» навли помидор кўчатини ўтказдик. Биринчи суғоришни уруғ билан экилган майдонда 120 сантиметр ораликда қўш ариқ олиб, кўчатлар ўтқазилган майдонда эса 60 сантиметр оралиққа сув тараб, захлатиш йўли билан ўтказдик.

Помидор ҳосили йиғиб олингунга қадар бегона ўтларни икки марта ўтаб чиқдик. Вегетация даврида экин икки марта озиқлантирилди. Бунда ҳар гектар ҳисобига йиллик норма бўйича 210 килограмм азот, 180 килограмм фосфор, 120 килограмм калий ўғитлари берилди.

Экинга олти марта ишлов берилди. Шундан тўрт марта оддий культивация ёрдамида 12—15 сантиметр чуқурликда ўтказилди. Шоналаш даврида эса тупроқни юмшатувчи фрейзер культивацияси билан пушта учун қолдирилган 60 сантиметр кенгликдаги ораликка ишлов берилди.

Помидорни барвақт йиғиштириб олишга киришишнинг яна бир афзаллик томони шундаки, бу пайт консерва заводи ва бошқа қайта ишлайдиган пунктлар ёш етиштирган маҳсулотларни қабул қилиб олиш учун барча шарт-шароитларга эга бўлади.

Бу йилги режаларимиз катта. 30 гектар майдоннинг 10 гектарига «Колжей», 20 гектарига «Леблянск полина» навли помидор экиб, ҳосилнинг ҳаммасини комбайнлар билан йиғиб-териб олиш ниятидамиз. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни ўртача 45—50 тоннагача етказишга азму-қарор қилганмиз. Бунинг учун зарур чораларни кўраяпмиз. Иккита комбайн ремонтдан чиқарилиб, мавсумга шайлаб қўйилди. Комбайнда ишлайдиган механизаторлар малакалари оширилди.

Биз бу йил фақат помидорнигина эмас, картошка, карам каби экинларни ҳам механизация ёрдамида экиш, ҳосилини техникада йиғиб-териб олиш борасида ҳам амалий иш олиб бормоқдамиз.

Озод ЭРГАШЕВ,
Оржоникидзе районидаги «Комсомол 60 йиллиги» совхозининг 2-бўлими бошқарувчиси.

ТАЖРИБАКОРЛАР МИНБАРИ

Помидор гулга кирган даврда узумзорларда ишлатиладиган «МПВ-1» маркали культиватор билан илдиз атрофи 35—38 сантиметр чуқурликда юмшатилди ҳамда кетма-кет озиқлантириб, сув бердик. Помидор кутилганидан ҳам тез ривожланди ва кўнгилдагидек ҳосил тугa бошлади.

Биз ҳосилни комбайн билан йиғиштириб олишга 15—17 августдан бошлаб киришдик. Теримни бошлашдан аввал қатор ораларига сув бериб, ер етилиши билан кесак кўчирмасдан культивация юргизиб, ариқларни йўқотиб олдик.

«СКТ-2» маркали помидор терувчи комбайнда 16 киши ишлайди. Комбайн кунига бир гектар майдондан 45—50 тоннага қадар помидор ҳосили йиғиштириб олади. Комбайнда ўтирган ишчилар асосан стандарт бўлмаган помидорларни ҳамда хас-чўпларни олиб ташлаб турадилар. Пишиб етилган ҳосил лента орқали тўкиштириш, яшчик ташиш каби ишларга 55—60 сўм, жами бўлиб 380—390 сўм иш ҳақи сарфланади. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир гектар майдондан фақатгина ҳосилни йиғиштириб олишнинг ўзидангина 290—300 сўм иқтисод қилиб қолинади. Бундан ташқари бир гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олиш учун 5 баравар ишчи кучи кам талаб этилади, иш унуми эса 5 мартага ортади.

Помидорни комбайн билан йиғиштириб олишга ҳосилнинг 75—80 проценти пишиб етилганда киришилади. Помидорнинг текис пишишини таъминлаш ҳамда палаклардаги барглари тўкиш учун «Этрел» ёки «Гедрел» препаратлари сепилади. Шундай қилинганда комбайннинг иш унуми янада ортади.

Помидорни комбайн билан териб олишда асосан навларни тўғри танлаш ҳамда табақалаб экиш катта аҳамиятга эгадир. Агар биз ҳосилни июль ойи ўрталарида йиғиштириб олишга киришсак, қисқа муддатда бу майдонларга қайта экин экиб, бир даладан йилига икки марта ҳосил олишга муваффақ бўламиз. Аммо шуни айтиш керакки, ҳосилни комбайнда йиғиштириб олишга мослаштирилган помидор уруғлари етарли эмас. «Сортсемовош» ходимлари сабзавоткорларни бу нав уруғлари билан етарли миқдорда таъминлаб турсалар, помидор етиштиришни механизациялаш даражасини, меҳнат унумдорлигини ошириш, мўл ва арзон маҳсулот етиштириш имкониятн кенгаярди.

Озод ЭРГАШЕВ,
Оржоникидзе районидаги «Комсомол 60 йиллиги» совхозининг 2-бўлими бошқарувчиси.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ПРОПАГАНДИСТЛАР КЕНГАШИ

Тошкент район комсомол комитети қошида 11 кишидан иборат пропагандистлар кенгаши иш бошлаганига кўп вақт бўлганича йўқ. Аммо, бу қисқа вақт ичида кенгаш аъзолари бир мунча ишларни амалга оширилар. Жумладан, марказий шифохона врачи Д. Тошхўжаева, район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Б. Ҳакимов ва бошқалар ёшлар ўртасида турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказишмоқда.

Яқинда улар 7-гишт заводида бўлиб, ёшлар билан совет қонунчилиги ҳақида суҳбат уюштиришди. У тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Т. ИСЛОМБОЕВА.

УНИВЕРСИТЕТ ИШ БОШЛАДИ

Бўстонлиқ районида чиқаладиган «Коммунизм учун» район газетаси редакцияси қошида ташкил этилган ишчи-қишлоқ муҳбирлари университети иш бошлади. Унда 25 нафардан зиёд муҳбирликка ихлосмандлар ўз билимларини оширишади.

Яқинда университетнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакциясининг ўринбосари Р. Умаров йиғилганлар билан «Журналист ва ҳаёт» деган мавзуда суҳбат ўтказди. «Коммунизм учун» газетаси редактори Н. Қаюмов эса редакция коллективи ва қишлоқ муҳбирларининг вазифалари ҳақида гапирди.

И. ПИРМАТОВ.

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

Пойтахтимиздаги 75-ўрта мактабда шоир Ҳамид Олимжоннинг 70 йиллик юбилейига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда юқори синф ўқувчилари куч билан саҳналаштирган «Зайнаб ва Омон» поэмасини намойиш этишди.

Кечада шоирнинг шеърлари ва қўшиқлари ижро этилди.

С. СУЛТОНОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЭРОН—АМЕРИКА МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ТЕҲРОН, 8 апрель. (ТАСС). Эрон Ислом революцион кенгаши ўзининг фавқулодда мажлиси тугагандан кейин, бугун баёнот эълон қилиб, АҚШни Эронга қарши Ж. Картер эълон қилган янги чоралар кўриш орқали «ошкора агрессия» гилишда айблади. «Президент Картер,— деб таъкидланади баёнотда,— гаровга ушлаб турилган америкаликларни озод қилиш тўғрисидаги талабдан ўз ҳукуматининг Эрон ҳусусидаги империалистик муддаоларини яшириш учун фойдаланишга уринмоқда».

Эрон революциясининг раҳбари оятилло Ҳумайни бугун АҚШ Эрон билан дипломатия муносабатларини узганлиги хусусида мамлакат халқига мактуб билан мурожаат қилди. «Башарти Картер,— дейилади мактубда,— ўз умрида маълумларнинг фароғати ва манфаатига хизмат қилиши мумкин бўлган лоақал битта иш қилган бўлса, унинг бу иши молимардумхўр талончи билан халқаро талончилардан озод бўлиш учун курашга отланган халқ ўртасидаги муносабатларни узиш тўғрисидаги қароридир».

Биз муносабатларнинг мана шу узилишини яхши нишона деб биламиз, чунки у Америка ҳукуматининг Эрон билан боғланган ҳамма умидлари барбод бўлгани белгисидир. Эрон халқи, деди оятилло Ҳумайни, мана шу узил-кесил галаба тўғрисидаги хабарни байрам қилиб нишонлашга ҳақлидир, чунки у қонҳўр давлат — Қўшма Штатларни муносабатларни узишга, яъни талончиликни тўхтатишга мажбур этди.

Эрон радиоси Вашингтоннинг Эронга қарши эълон қилган жазо чоралари муносабати билан нефть объектларини осмондан бўладиган ҳужумдан мудофаа қилиш учун Форс кўрфази соҳилидаги Хузистон вилоятида жойлашган ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво гарнизонларн тўла жанговар шай ҳолатга келтириб қўйилганлигини хабар қилди.

ЛОНДОН, 8 апрель. (ТАСС). Англия матбуоти АҚШ маъмуриятининг Эронга қарши эълон қилган жазо чораларини шарҳлаб, бу чоралар Қўшма Штатларнинг халқаро ишларни давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳамма қабул этган нормалардан фойдаланиш орқали юритиш қобилиятидан маҳрум бўлганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир, деб таъкидлайди.

ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ТАЙЁР

ҚОБУЛ, 8 апрель. (ТАСС). Бу ерда олинган хабарларга кўра, Афғонистоннинг Пактиё вилоятидаги Хос шаҳрида бир қанча пушту қабилалари оқсоқоллари ва йўлбошчиларининг йиғилиши бўлиб ўтган. Улар ўз қабиладошлари номидан Ватанни озод Афғонистоннинг мустақиллигига, территориал бутунлигига ва миллий суверенитетига қасд қилаётган реакция ва империализмнинг региондаги кирдикорларидан ҳимоя қилишга тайёр эканликларини билдирдилар. Қабилаларнинг оқсоқоллари ва йўлбошчилари мамлакат раҳбарларининг АДР қудратини мустаҳкамлашга қаратилган ва мамлакат меҳнаткаш халқининг орзу-умидларига мос бўлиб тушган тадбирларини маъқуллаганликларини яқдиллик билан изҳор этдилар.

ҚОБУЛ вилоятидаги Пагман шаҳри руҳонийлари, деҳқонлари ва савдо-сотиқ доираларининг вакиллари революцион ҳукумат томонидан афғон халқи олдига қўйилган вазифаларни бажаришга тайёр эканликларини билдирдилар. Шу ерда бўлиб ўтган митинг иштирокчилари қабул қилган революциясида Апрель революциясини унинг душманлари кирдикорларидан ҳимоя қилишга қатъий қарор берилганлиги таъкидланади.

Амин ва унинг тўдасининг мустабид режими зулмидан қочиб кетган кишилар ўз юртларига қайтиб келмоқдалар. БАХТАР агентлигининг хабар беришича, марказий Афғонистондаги Гор вилоятининг маркази Чақчарон шаҳрига афғон деҳқонларидан 1100 оила қайтиб келиб ўзининг одатдаги меҳнат ҳаётига киришди.

ДЕМОКРАТИК ЖАМОАТЧИЛИКНИ НОРОЗИЛИГИ

АНҚАРА, 8 апрель. (ТАСС). Туркиянинг демократик жамоатчилиги Туркия билан Америка ўртасидаги «биргаликдаги мудофаа соҳасида ҳамкорлик қилиш» тўғрисида имзоланган янги шартнома муносабати билан гоят ташвишланганлигини билдиради. Маълумки, шу шартномага мувофиқ Вашингтон Туркия территориясидаги ҳарбий базаларидан бундан кейин ҳам фойдаланиш ҳуқуқини олди.

Мамлакатда ўзининг ватталиги жиҳатидан иккинчи шаҳар ҳисобланган Стамбул марказида «Йўқолсин Америка империализми». НАТОга йўл йўқ!», «Янги Туркия-Америка шартномасига йўл йўқ!», деган шиорлар остида ёшларнинг жуда кўп кишилик намойиши бўлиб ўтди. Намойиш иштирокчилари Америкаининг НАТОнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги ҳарбий тайёргарлигини кучайтиришга Туркияни ҳам жалб этиш ва Қўшма Штатларнинг Туркия территориясидаги базаларидан фойдаланиш планларига қарши қатъий норозилик билдирдилар. Бу планлар қўшни мамлакатларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид қилади.

Мамлакат хотин-қизлари ҳам НАТОнинг хатарли режалари муносабати билан Туркиянинг истиқболи учун ташвишланаётганликларини билдиришди. Истамбулда истиқомат қилувчи аёллар Туркия мажлисининг раиси Ж. Қорақош номига юборилган баённомада АҚШ билан тузилган янги шартнома «Туркиянинг мустақиллиги ва региондаги тинчлик учун хавф туғдиради», деб таъкидланади. АҚШ бошчилигидаги империалистик доираларнинг Туркиянинг Шимолий Атлантика блокига тамомила қарам қилиб қўйиш йўлидаги уринишларини Туркия революцион ишчилар касаба союзлари конфедерациясининг бош секретари Ф. Ишиклар ҳам кескин қоралади. У НАТО социалистик мамлакатларга ва прогрессив ҳаракатларга қарши курашмоқ учун империализм кучлари томонидан ташкил этилганлигини таъкидлади. Ф. Ишиклар бундай деди: империализмга қарши миллий озодлик кураши натижасида пайдо бўлган Туркия Республикасининг барча тинчлисевар халқларга таҳдид қилувчи шу агрессив блок—НАТОнинг аъзоси бўлганлиги гоят аянчли бир ҳолдир.

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ— ФАРЗАНДЛАР МЕРОСИ

КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Мамлакатимизда ялпи коллективлаштириш бошланганлигининг 50 йиллиги нишонланмоқда. Ўттизинчи йиллар бошида кенг авж олиб кетган бу ҳаракат ленинча кооператив планнинг тантанасига айланди, қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Дастлабки коллектив хўжаликлар ташкилотчилари ва жонкуярларининг меҳнат жасорати халқимиз томонидан эъзозланиб келинмоқда. Уларнинг партия ва халқ ишига садоқатлари, фидойиликлари ёш авлод учун намуна бўлиб хизмат қилади. Область филиалимиз ҳам колхоз тузуми ветеранларининг меҳнат жасоратларини кенг пропаганда қилиш ва ёшларимизни улар ишига садоқат руҳида тарбиялашга катта эътибор бермоқда.

Бу соҳада жамоатчилик асосида колхоз ва совхозлар тарихини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Кейинги пайтларда бу иш анча жонланиб кетди. Жамоатчи авторлар ёрдамида Галаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози, академик Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа қатор хўжаликлар тарихи ёзилди. Уларда колхоз ва совхозларнинг равнақи, меҳнат ветеранлари фаолияти ёркин акс эттирилган. Хўжаликларнинг яратилаётган тарихи қишлоқ ёшларининг бебаҳо меросига айланяпти.

Область филиалимиз ходимлари КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида колхоз тузуми ветеранларининг меҳнат шижоатлари ва бой тажрибасини ёшлар ўртасида тарғибот қилишга эътиборни кучайтирмоқдалар. Бу иш айниқса доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва коллективлаштиришнинг ярим асрлик юбилейи муносабати билан авж олиб кетди. Ҳозирги пайтда Бекобод районни ҳўжаликларида меҳнат ветеранлари Бобохон Отахонов, Ортиқ Йўлдошев, Акбарали Мирзаев ва бошқаларнинг қишлоқ ёшлари билан учрашувлари ўтказилмоқда. Колхоз тузуми ветеранлари ёшларга Ленининг Далварзин чўлларини ўзлаштириш режаларини рўёбга чиқиши, «оқ олтин» етиштиришни кўпайтириш, қишлоқларда турмуш маданиятини юксалтириш соҳасида амалга оширилган улкан ишлар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб берадилар.

Колхоз тузумининг ветеранлари билан бундай учрашувларни ташкил этишда колхоз-совхозлар партия ташкилотлари қошида ташкил этилган кўмаклашувчи группалар ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Улар ўз хўжаликлари тарихини ўрганиш, ветеранларга эсдаликлар ёзишда кўмаклашиш, мураббийчилик ҳаракатини уюштириш, музейлар ташкил этишда муҳим иш олиб бораётирлар.

Галаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Е. Уткин номидаги жанговар ва меҳнат шон-шуҳрат музейи ташкил этилган. Е. Уткин шу совхозда слесарь бўлиб ишлаган. Улуғ Ватан уруши бошлангандан сўнг у фронтга отланиб, танк ротасига командирлик қилади ва гитлерчиларни ўз уяси — Берлин остоналаригача қувиб боради. Аммо, шаҳар яқинидаги жангларнинг бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

Совхозадаги Т. Бендик раҳбарлик қилаётган кўмаклашувчи группа аъзолари қаҳрамон танкчи ҳамда бошқа ҳамюртларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида музей ташкил қилишга киришадилар. Улар совхоз тарихи, меҳнат ветеранлари фаолиятига оид жуда кўп ҳужжатлар, қизиқарли буюмлар топишди. Булар ҳозир музей экспонатларига айланган.

Янгийўл районидаги «Ленинизм», Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозларида ташкил этилган жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати музейлари ҳам меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масканларига айланган.


Бошқа хўжаликлардаги кўмаклашувчи группалар ҳам диққатга сазовор иш олиб бораётирлар. Калинин районидаги Свердлов номли совхоз партия ташкилоти қошидаги кўмаклашувчи группа ташаббуси билан Ўртаовул посёлка Советининг «Ёшлик» маҳалласида «Ленин уйи» ташкил этилди. Бу ерда ҳозир уруш ва меҳнат ветеранларининг жасорати, фидойиликларини пропаганда қилиш ёшларимизни коммунистик руҳда тарбиялашнинг таркибий қисми бўлиб қолди. Бу иш В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги, коллективлаштиришнинг 50 йиллиги муносабати билан тобора қучаймоқда.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг кўмаклашувчи группаси ҳам ўз хўжаликлари музейини ташкил этдилар. У колхоз ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейи тантаналарида очиладн. Умуман, ҳозир областимизда мавжуд 19 музейда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида қизиқарли ишлар олиб борилаётир.

Колхоз тузуми ветеранларининг ҳозирги пайтда меҳнатда кўрсатаётган жонбозликлари ҳам ёшларга ибрат бўлянти. Галаба районида 680 нафар меҳнат ветерани ҳозир ҳам қишлоқ хўжалиги турли соҳаларида ишлаяпти. Ўтган йили пахта йиғим-теримида Свердлов номли ва «Победа» колхозларида А. Мараимов ва Қ. Қосимовлар бошлиқ меҳнат ветеранлари бригадалари аъзоларн ташаббускорлик кўрсатдилар. Улар ёшлар билан бир сафда туриб пахта териб, етиштирилган ҳосил қисқа муддатда йиғиштириб олинишига муносиб улуш қўшишди.

Коллективлаштириш иштирокчилари, меҳнат ветеранларининг жасорати, фидойиликларини пропаганда қилиш ёшларимизни коммунистик руҳда тарбиялашнинг таркибий қисми бўлиб қолди. Бу иш В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги, коллективлаштиришнинг 50 йиллиги муносабати билан тобора қучаймоқда.

О. АБЗАЛОВ,
Ўзбекистон колхоз ва совхозлар тарихи жамоатчилик институти Тошкент область филиали мудири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Қўшма Штатлар Покистонга ҳарбий қурол-яроғ етказиб бериш сурьатларини тобора оширмоқдалар. Суратда: Калифорния штатидаги Сакраменто портидан самолётлар жўнатилмоқда. Бу самолётлар Покистонга етказиб берилади ҳамда улардан ҳарбий учувчилар тайёрлаш мақсадида фойдаланилади.

АП—ТАСС телефотоси.



ФЕСТИВАЛЬ ФИЛЬМЛАРИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VI халқаро Тошкент кинофестивалида уч қитъа кино усталарининг энг яхши асарлари намойиш қилинади. Ҳозирданоқ Тошкентга фестиваль экранларида намойиш этиладиган фильмларнинг рўйхати келиб турибди. Жумладан, тошкентлик кино ихлосмандлари катта анжуман кунлари «Туркманфильм» студиясида суратга олинган «Қудуқчилар» бадиий филмини томоша қиладилар.

Мазкур рангли бадиий фильм воқеалари 1943 йилнинг баҳорида Совет Туркманистони колхозларининг бирида бўлиб ўтади. Фронт ортида фақат чоллар, аёллар ва болаларгина қолишган. Туркман халқининг фронт ортида кўрсатган жасорати асар бош мавзусини ташкил этади.

Шунингдек, фестиваль кунларида «Арманфильм» киностудиясида ишланган «Кўп яшанг» номли рангли бадиий фильм ҳам намойиш қилинади. Ш. Татикян ва Ф. Давлатян сценарийси асосида суратда олинган картина кулги ва юморга бой. Унда турмушимизнинг актуал масалалари ўзига хос бўёқларда тасвирланади.

Ўйлаймизки, VI халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларига, кўп сонли санъат ихлосмандларига туркман ва арман кино усталари яратган мазкур бадиий фильмлар манзур бўлади.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

ШАНБАЛИК ТЎЛҚИНИДА

ЎЛКАМИЗ КЎРКАМ БЎЛСИН

Областимиз шаҳар ва қишлоқларни жамолини янада кўркамлаштириш, кўплаб боғ-роғлар, ҳиёбонлар барпо этишга кейинги вақтларда алоҳида аҳамият берилмоқда. Унинчи беш йилликнинг тўрт йили давомида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилаш учун 40 миллион сўм маблағ сарфланганлиги фикримизнинг далилидир.

Йўллар, йўлкалар, кўприклар ремонтдан чиқарилди, ариқлар тозаланди. Жойларда янгидан-янги истироҳат боғлари, ҳиёбонлар вужудга келтирилди. Ангрен, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари, Бекобод, Оржоникидзе ва Пискент районларида бу соҳада, айниқса ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Улардаги меҳнат коллективлари ва кенг жамоатчиликнинг ғайрат-ташаббуси туфайли баҳор ва куз пайтларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари ташкил этилиб, жуда кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилмоқда.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш идоралари, жамоатчилик олдида ҳали муҳим вазифалар турибди. Кўпгина мактаб, медицина, савдо объектлари, завод-фабрикалар ҳамда турар-жой массивларида атроф муҳитни тартибга солиш, ариқ-зовурларини тозалаш, санитария ҳолатини янада яхшилаш лозим. Ободонлаштиришга эътибор кучайтирилиши, бунга ҳар бир киши ўзининг шахсий ҳиссасини қўшиши даркор.

В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун эълон қилинган икки ойлик ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Бу йил планлаштирилган ўн миллион сўмлик ҳажмдаги ободонлаштириш ишларининг каттагина қисми март ва апрель ойларида бажарилади.

19 апрель областимиз шаҳар ва қишлоқларида улкан меҳнат байрамига айланади. Ўша куни коммунистик шанбаликда 400 мингга яқин киши фақат ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан машғул бўлади. Ҳашар йўли билан 150 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар, яшил тўсиқлар, турли гуллар экилади. 1800 дан зиёд автомашина ва бошқа механизмлар эса йўл ва йўлкаларни тартибга келтиради.

Келинглар, азиз дўстлар, доҳий юбилейи шарафига бошланган икки ойликда актив иштирок этиб, хушҳаво боғ-роғлар, кўкаламзорлар барпо этайлик. Бу муҳим кампаниядан бирон киши ҳам четда қолмасин.

М. ТОШМЕТОВ,
область коммунал хўжалик бошқармаси ободонлаштириш бўлимининг бошлиғи.



Ўлкамизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш икки ойлиги давом этаётир. Суратда: Ленин проспекти. Манзарали ўсимлик ўтказиш пайти.

И. Глауберзон фотоси.

ЖУРНАЛИСТ СУҲБАТИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда «Совет Ўзбекистони» газетасининг катта мухбири, Ўзбекистон Журналистлар союзи мукофотининг лауреати Ж. Саъдуллаев матбуотда партия турмуши мавзуларини ёритиш тўғрисида суҳбат ўтказди.

Журналистнинг факт олиш ва уни ўқувчига қандай шаклда тақдим қилиш, танқидий сигналларни текшириш ҳусусида ўз тажрибаси асосидаги қизиқарли суҳбатя ишчи мухбирларда чуқур таассурот қолдирди.

Спорт

ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ

Хоккей бўйича СССР ўсмирлар терма командаси Градец-Краловада Чехословакия командаси билан бўлган ҳал қилувчи ўйинда 3:2 ҳисобида ғолиб келиб, Европа чемпиони унвонига муяссар бўлди.

Бу ғалаба билан ўсмирлар командамиз қитъа биринчилигида навбатдаги етинчи олтин медаллар комплектига сазовор бўлди.

Бу ердаги турнирда командамиз саралаш ва финал учрашувларида беш марта ғолиб келди.

Чехословакия командаси иккинчи, Швеция хоккейчилари учинчи ўринни эгаллашди.

ИККИНЧИ ЛИГА

ПЕШҚАДАМЛАРИ

Футбол бўйича мамлакат чемпионати иккинчи лигаси қатнашчилари навбатдаги тўртинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Мастерлар сафида биринчи мавсумда қатнашаётган Тўрақўрғон районининг «Ёшлик» командаси яна икки очкони қўлга киритди. Бу гал пешқадам сафарда «Наримоновчи» командасини 1:0 ҳисобида енгди. Тўрт ўйиндан кейин етти очко тўплаган «Ёшлик» олтинчи зонада пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринни эгаллаб турган Фарғонанинг «Нефтчи» командаси тўртинчи турда дам олди. Бу клуб футболчиларида олти очко бор. Самарқандниг «Динамо», Шаҳрисабзнинг «Ҳисор» командалари учинчи ва тўртинчи ўринларда боришмоқда.

Тўртинчи турнинг қолган ўйинлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Хива» — «Қаршистрой» — 4:1, «Шаҳрихончи» — «Старт» — 3:0, «Хўжанд» — «Сохибкор» — 0:1, «Пахтачи» — «Янгиер» — 0:1, «Бухоро» — «Автомобилист» — 2:0.

СЎНГГИ ТУР ОЛДИДАН

Эртага Минск шаҳрида кўп тўпи бўйича мамлакат чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган аёллар командалари мавсумнинг якунловчи тур ўйинларини ўтказадилар. Ленинградда ниҳоясига етган учинчи давра ўйинларида «Текстильщик» командаси Олмаотанинг «Буревестник» командасини 26:21 ҳисобида енгиб, қолган учрашувларни бой бердилар.

Якуловчи тур олдидан кучли олтиликда қатнашаётган командаларнинг жадвалдаги аҳволи қуйидагича: «Экономист» ва «Азот» командалари 44 тадан очко тўплашди. «Ниуд» — 37, «Торпедо» — 33, «Текстильщик» — 30, «Буревестник» — 29 очко.

ОЛТИ УЧРАШУВ, ОЛТИ ҒАЛАБА

Челябинск шаҳрида ўсмирлар ўртасида сув полоси бўйича Бутуниттифоқ зонал биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Тошкентнинг «Меҳнат» командаси барча ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказиб, биронта ҳам очко йўқотмади. Зоналарда биринчи-тўртинчи ўринни эгаллаган командалар ярим финалда иштирок этишади. Зонал учрашувларда бирга йўлланма олган командаларнинг ўзаро ўйинлари ярим финалда ҳисобга олинади. Бу кўрсаткич бўйича ҳам «Меҳнат» биринчи ўринда.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

25 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

КЎЗГА КЎРИНМАС ОДАМ
ФАНТАСТИК-САРГУЗАШТЛИ АТТРАКЦИОН

«ЖАВОҲИРЛИ ТИЛЛА ТАЁҚЧА» халқаро мукофотининг эгаси, халқаро сехргарлар академиясининг профессори, Бутуниттифоқ кўригининг лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист

ОТАР РАТИАНИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан ишланди.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив заявкалар қабул қилинмайди.

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

10 АПРЕЛ СОАТ 19.00 да
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Холисхон ҚОДИРОВА
Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати Карима УЗОҚОВА
Солистлар: Комилжон ИБРОҲИМОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Таваккал ТУРСУНОВА, Изомжон САДРИЕВ, Гулчеҳра ЮСУПОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Абдуфаттоҳ САИДОВ (юмор ва сатира).
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани Ҳанифа ОРТИҚБОЕВА олиб боради.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

12 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА,
13 АПРЕЛЬ СОАТ 18.00 ВА 20.30 ДА

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Давлат хизмат кўрсатган «ЯЛЛА» ВОКАЛЬ-ЧОЛҒУ АНСАБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фарруҳ ЗОКИРОВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

ЯНГИОБОД ШАҲРИДАГИ 174-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1980—81 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

10 синф базасида: тозалаш забойи кон ишчилари. Ўқиш муддати — 6 ой; кўрилиш электр монтажчилари. Ўқиш муддати — 1 йил; сувоқчи, облицовкачи-плиткачи, ҳайдаш ҳуқуқига эга бўлган автослесарь, слесарь-сантехник; йигма темир-бетон монтажчиси, шахта электровози машинисти, ғишт терувчи, бадиий безовчи, бўёқчи.

Ўқувчилар 79 сўмдан 103 сўмгача ҳажмда стипендия билан таъминланадилар.

8 синф базасида: шахта навбатчи слесари — электргаз пайвандчи, автослесарь, сувоқчи, облицовкачи-плиткачи, дурадгор, слесарь-сантехник, газ пайвандчи, озиқ-овқат молларини сотувчи, саноат молларини сотувчи, оппаз. 3 класс шоферлик ҳуқуқи билан ҳудуқларни механик айланма бурғилаш бурғиловчиси.

Ўқувчилар бепул овқат, кийим-бош, бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Энг яхши ўқувчилар СССР Олий ўқув юртларига ўқишга юборилади. Билим юртида спорт секциялари, техника ижоди ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида аттестат, яшаш жойи, оилавий аҳволи, медицина (286-форма) справкалари, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, ҳарбий билет ёки чақирилиш қоғози, 4 та фотосурат (3х4 см.).

Бизнинг адрес: Ўзбекистон ССР, Тошкент область, Янгиобод-2, 13-квартал.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ёш спортчининг катта майдони. 10.35 — Сарсонлик саргардонликда (бадиий фильм, 8-серия). 11.55 — Концерт. 13.00 — Янгиликлар. 13.20 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Шахмат мактаби. 16.30 — Москва комсомолининг ишлари. 17.00 — Н. Петров чалади. 17.30 — Горничлар, қаердасиз? 18.00 — Концерт. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Кувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ғалаба йўл. 3-кўрсатув. 20.15 — Фильм-концерт. 20.25 — Сарсонлик саргардонликда (бадиий фильм, 9-серия). 21.30 — Время. 22.05 — Ленин Горкасида камер куйлари кечаси. 1-кўрсатув. 22.40 — Дунё воқеалари. 22.55 — Мўъжизасиз-мўъжизалар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телевизион бадиий фильм. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Халқ ижодиёти. 13.30 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг йўқламаси. 14.00 — Темур ва унинг командаси. Бадиий фильм, 1-серия. 18.05 — Кўғирчоқ фильм. 18.15 — Ёшлик. 18.45 — Халқ контроли экрани. 19.15 — Ленинча алъбом. 3-фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қўзғатиш кампанияси масъулиятли давр. 22.20 — Концерт.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.55 — Назарий механика. 21.55 — А. Беруний номли Тошкент политехника институти 50 ёшда. 22.25 — Пистирмада. Бадиий фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12|IV да Инқилоб тонгги.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10|IV да Зеби-Зебона, 11|IV да Паранжи сирлари.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 10|IV да Отасининг қизи (19.00), 11|IV да Кўзингни катта оч.

Тошкент область «Союзпечать» агентлиги коллективи агентлик бошлиғи Э. Ҳ. Ҳамидовга отаси

Ҳамид САЪДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бизнинг ахборот

ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

Ленинча яшаймиз ва ленинча ўқиймиз. Бу шиор ҳозир Коммунистик районидаги мактаб ўқувчилари ўртасида кенг ёйилган. Доҳий юбилейига мактабларда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. 18-мактаб ўқувчилари кучи билан мактабда Ленин бурчаги ташкил этилган. «Дўстлик» вокаль ансамбли ҳаваскорлари Ленин, Ватан, партия ҳақидаги қўшиқларни ўрганмоқдалар.

Райондаги 47-, 19-, 26-мактабларда ҳам Ильич юбилейи олдидан қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда. Барча ўғил-қизлар доҳий юбилейини аъло ўқиш, жамоат ишларида актив қатнашиш билан кутиб олишга интилмоқдалар.

●

ЯНГИ ФИЛИАЛ

Яқинда Энгельс кўчасида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси ёнида «Ҳимчистка» фабрикасининг янги филиали фойдаланишга топширилди. Филиалга замонавий тозалаш машиналари ўрнатилган. ГДРдан келтирилган янги машиналар авваллиларига нисбатан серунум бўлиши билан бирга кийимларни тозалаш муддатларини бир мунча қисқартиради. Бундан ташқари, ишчиларнинг меҳнат шароити яхшиланади.

Шунингдек, кимёвий тозалашга сарфланадиган анчагина материал ва хомашё иқтисод қилинади.

Яқинда 4-турар-жой шаҳарчасида ҳам фабриканинг 7-қабул пункти фойдаланишга топширилди.

Фабрикада сифатни бошқаришнинг комплекс системаси фаолият кўрсатмоқда. Бу система жорий этилиши билан кийимларни тозалаш ва бўяш сифати кескин яхшиланди.

Шунингдек, 11 та корхона стандарти жорий қилинди. Улар сифат ва технологик жараёнга назорат қилишга қаратилган. Буининг натижасида брак уч баравар камайди.

М. ЗАРИПОВ.

БИЛИМ МАНБАИ

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ҲАР бир тил ва унинг тараққиёт даражаси луғат (сўз) бойлигида намоён бўлади. Сўзларнинг бирор мақсад билан тўпланган, тартибланган мажмуи луғатларда ўз аксини топади. Сўзнинг маъноси ёки маъно нозикликларини (кўчма маъноларини) билмоқчи бўлган ҳар бир китобхон биринчи галда, дарҳол луғатларга мурожаат этади. Луғатларда истилоҳ сўз ва ибораларнинг оддий, бирламчи бош (номинатив) маъноларидан тортиб, турли сўз бирикмаларда янги, бутунлай бошқа маъно, фразеологик ибораларгача, ҳатто сўзнинг қайси тилга мансублиги ёки қадимда қандай маънони ифода этганлигигача кенг маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Бирон бир сўзнинг имловий тўғрилигига шубҳалансак, дарҳол имло луғатига мурожаат этамиз. Фан-техникага оид сўзларни терминологик луғатлардан, чет тилларга оид сўзларни эса икки тилли таржима луғатлардан билиб олиш осон. Шу билан бирга, луғатдан ўрин олган ҳар бир сўз тилда манба сифатида абадий сақланади.

Таниқли луғатчи тилшунос олим Саидфозил Акобировнинг «Луғат — сўз хазинаси» рисоласида тилшуносликнинг мураккаб соҳаси ҳисобланган луғатчилик илми, унинг ўзига хос ҳусусиятлари, луғат турлари ҳақидаги тўла маълумотлардан ўқувчиларни бохабар этади.

Рисолада энг қадимги луғат намуналаридан бўлмиш М. Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», А. Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн», Мирзо Маҳдихоннинг «Санглох», Шайх Сулаймон Бухорийнинг «Луғати Чағатойи ва турки Усмоний» каби эски ўзбек тилига оид луғатлар, таржима луғатлари ҳамда Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши билан рус ва ўзбек тилларининг ўзаро муносабати туфайли юзага келган ўнлаб луғатлар мажмуи билан танишиш имконияти яратилган. Рисолада луғатнинг барча турлари группалаштирилиб, уларнинг ўзига хос ва фарқли томонлари кўрсатилган.

Рисоладаги филологик изоҳли луғат ҳақидаги мушоҳадалар диққатга молик бўлиб, бунда изоҳли луғат тузиш принципларининг ўзига хослиги — изоҳланаётган сўзлар бир-биридан узилган, ажратиб олинган якка ҳолда эмас, балки уларнинг лексик, грамматик, семантик жиҳатдан боғлиқ ҳолда сўз маъноларининг ифодаланиши, ниҳоят изоҳли луғат ўқувчиларнинг сўзлар ва сўз маъноларини ҳақидаги билимгагина эмас, балки тил ҳақидаги, сўзларнинг тилда тутган ўрни, ишлатилиши актив ёки пассивлиги, услубий қўлланилиши ҳақида кенг тасаввурга эга бўлишларининг ўзаро муносабатда эканлиги ҳақида ҳам фикр юритилган.

Ҳозирги замон тилшунослик фани мавжуд сўзларни лексик-грамматик жиҳатдан ўрганиш билан кифояланмай, балки улардан муваффиқ деб топилган традиционал-ҳалқчил, замон талабига жавоб берадиган, адабий тил нормаларига мос келадиган тил воситаларига аҳамият бериш, бинобарин ҳар бир сўзни маъно ва услубий жиҳатдан тўғри қўллаш, грамматик муносабат ҳолатларига бефарқ қарамасликни талаб этади. Шу жиҳатдан Саидфозил Акобировнинг яна бир китоби — «Нутқ маданияти ва норматив луғат» рисоласи диққатга сазовордир.

Муаллиф тилдаги адабий нормаларни икки хил кўринишга — ошкор нормалар ва ноошкор нормаларга ажратади. Грамматика дарсликларида ва турли хил луғатларда тил ҳақидаги тавсия этилган қоида ва қонуниятлар, тафсилотларни тилнинг ошкор нормалари деб атайди. Адабий тилни ўзлаштириш бўйича орттирилган малака ва кўникмаларни оддий сўзлашувда, кундалик турмушда ёки оммавий нутқ минбарларида намоён бўлиш ҳолатларини ноошкор нормаларга киритади.

Нутқ маданиятини эгаллашда адабий нормаллашган лексик ва грамматик воситалардан мақсадга мувофиқ фойдалана олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бироқ, сўзлашув ва ёзма нуткда, ҳатто айрим манбалар тилида ҳам нутқ маданиятига амал қилмаслик ҳоллари кўзга ташланмоқда. Тилдаги синоним имкониятлардан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик, қайтарик сўзлар, жумлалар ёки сўзлардан пала-партиш фойдаланиш, она тилимизнинг сўз хазинасига эътиборсизлик кўп учрамоқда. Рисолада матбуот сеҳифаларида, ёзувчилар асарларида учраётган ноўрин жумлалар фактик материаллар билан бирма-бир кўрсатилиб, уларнинг тўғри вариантлари ҳам берилган.

Тилга бефарқ қарамаслик, унинг сўз бойликларидан тўғри, мақсадга мувофиқ фойдаланишда, нутқ маданиятини оширишда улкан имкониятлар манбаи — луғатларнинг роли беқиёсдир.

М. АСОМУДДИНОВА,
филология фанлари кандидати.

БИЛЛУР КЎЗГУДАГИ РАҚС

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Тонг. Қуёшнинг нафис нурлари оғушида Париж уйғонмоқда. Биз қизиқарли саёҳатга отландик. Шаҳар кўча ва ҳиёбонлари гул ва газета сотувчи болалар, пансион талабалари ҳамда йўловчилар билан гавжум.

Мана, бизнинг қаҳрамонларимиз — Шоир ва Қиз. Улар мафтункор рақс тушишмоқда. Кўп ўтмай, пансион бошлиғининг эски қадрдони командор билан жанговар либосдаги кишилар ҳам пайдо бўлишади.

Саҳнада вальс янграйди. Биз Париж яқинидаги ўйинкулги кечасининг шоҳиди бўламиз. Бир зумда вальс оҳанги полкага айланиб ҳаммани «Канкан» рақси маҳлиё қилади. Кеча сўнгида эса извошчилар томошабинлар билан хайрлашиб, саҳнани тарк этишади...

Композитор Ж. Оффенбахнинг Г. Замуэл саҳналаштирган «Париж лавҳалари» деб номланган хореографик композициясининг қисқача мазмуни ана шундай. У кўпгина тошкентлик санъат ишқибозларининг олқишларига сазовор бўлмоқда.

Шу кунларда Тошкентнинг «Юбилей» спорт саройи санъат шайдолари билан гавжум. Бу ерда Ленинград Давлат муз устида балети артистлари ўзларининг ранг-баранг программаларини намойиш этишяпти. Балет усталаридан 11-қишки Олимпиада ўйинларининг кумуш совриндори, жаҳон ҳамда Европа биринчиликларида беш марта кумуш медаль олишга сазовор бўлган халқаро классдаги спорт мастери Людмила Смирнова, 11-қишки Олимпиада ўйинлари ғолиби, жаҳон ва Европа биринчиликларининг тўрт марта чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Алексей Уланов, РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар Лариса Литвиненко, Ирина Филиппова ҳамда спорт мастерлари Е. Алешко, Е. Васильева, Г. Копотева, Е. Никифоровалариниг чиқишлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ленинградлик балет усталарининг бу сафар Тошкентда учинчи маротаба меҳмон бўлишлари. Улар меҳмондўст, санъатсевар тошкентликлар учун икки қисмдан иборат муз устида балет программасини тайёрлаб келишган. А. Петровнинг «Оловнинг буйсундирилиши», Ж. Оффенбахнинг «Париж лавҳалари» деб номланган хореографик композицияси ҳамиша томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинаяпти.

Ленинград Давлат муз устида балети ташкил этилганига 13 йил бўлди. Қисқа давр ичида коллективнинг шу қадар шуҳрат топишида СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати К. М. Сергеев, бош балетмейстер К. Ф. Боярский, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Пирожнал ва А. Житковларнинг хизматлари беқиёсдир.

— Маълумки, томошабинлар билан ҳамнафас бўлиб, уларнинг муҳаббатини қозониш учун ҳар қандай театр коллективи аввало давр талабларига тўлиқ жавоб берадиган ижодкорлардан ташкил топиши керак, — дейди биз билан суҳбатда труппа бошқарувчиси А. Маликов. — Бу талабларни тўла ҳис этган коллективимиз аъзолари ўз сафларига фигурали учиш бўйича саҳна усталарини — спорт мастерларини, фигурали учиш мактабининг истеъдодли тарбияланувчиларини жалб этмоқда.

Ёш балет усталарининг олдида машаққатли, аммо шарафли вазифалар турибди. Улар, репертуаридан миллий ва классик рақслар кенг ўрин олган, В. Шевлякова саҳналаштирган «Руcча рақс», Б. Эйфман саҳналаштирган «Молдаванча рақс» ва бошқалар бу борадаги изланишнинг дебочасидир. Бу рақсларнинг айримлари тошкентликлар ҳукмига ҳавола қилиналяпти.

Х. РЎЗИМАТОВ,
Қ. КАРИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 13812. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1581. /2.